

1991 йилнинг декабридаги президентлик сайловида Муҳаммад Солиҳнинг енгиб чиққани бутун халққа маълум эди.

Сабаби, бутун сохтакорликлар ва найрангбозликлар омма кўз ўнгида, очикчасига рўй берганди. Овоз беришдан бир кун аввал, пойтахт Тошкентда коммунистлар йўлбошчиси ва давлат раҳбари Ислоҳ Каримов фойдаси учун иш кўрадиган махсус тузилган ишчи гуруҳ томонидан чизилган бюлтенлар, сўргичланган қутиларга жойланиб, мамлакатдаги бутун сайлов участкаларига хафвсизлик идоралари томонидан яширин йўллар билан тарқатилган эди.

Бугун буни не чоғлик ёлғон ёхуд чинлигини дастаклаш учун ҳеч қанақа



## ЎТГАН КУНЛАРНИ ЁДЛАБ...

исбот-далилининг ҳожати йўқ. Президент И. Каримов ўзбекнинг аъмолига битилган ўша қора кунлардан буён, унинг бирор-битта ишни лўттибозликларсиз, виждонан халқ манфаатини ўйлаб ҳалол амалга оширганлиги хусусида, унинг таржимаи ҳолидан лоақал битта сўз топа олганимизда эдик, биз масалага бошқача ёндашган бўлардик. Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев ҳақида гап кетганда, масалага ўта хушёрлик билан ёндашган каби, унга бўлган муносабатда ҳам маъсулиятсиз бўла олмас эдик.

Албатта маъсулиятли кимсалар, бутун бошли миллат тақдирига “маъсулиятсиз” бўлган бир касга нисбатан бепарво бўлишлари мумкин эмас. Бу, ўта маъсулиятсизликдан дарак беради. Бизнинг президент И. Каримовга бўлган “маъсулиятсизлигимиз”, ундан кўлимизни ювиб қўлтигимизга урганимиздан, яъни ундан ҳеч қачон яхшилик ёхуд эзгу бир амал кутиб бўлмаслиги билан боғлиқ, халос. Яъни, у ўлмаса ёки тахтдан ағдарилмаса,

ёвузликни ва одамхўрлигини давом эттираверади, ёлғон гапирари, содда ва таъмагирларга йўқни бор қилиб кўрсатиб, уларни умидвор этаверади, кўзи очикларни қамайди, ўлдиради, қиради. Ўнта масжидни бузиб вайронага айлантиради-да, орқасидан оч халқнинг чўнтагидаги охири пулга битта масжид тиклатиб, очик кўрларнинг кўзига икки бармоғини тикиб юраверади...

Омmani асосий масаладан чалғитиш ва бўлмағур нарсалар билан одамларнинг миясини банд этиб туриш, унинг энг суйган ютиш учун тиришади. Умри беҳуда ўтаётганлигини билан унинг иши йўқ.

Ҳа, одамзот қонига ташна бир махлукни умид чароғи билан ёлқинлантириб бўлмайди. Уни фақат ва фақат, ажал бир ўсимта сингари жамиятнинг миясидан кесиб, тарих чиқиндисига улоқтирсагина, ўзбек ундан қутулиши мумкин. Бунинг учун халқда кучли истак бўлгани баробарида, зиёлиларда сабот ва

матонат бўлмоғи даркор.

Бандаси нени истаса, Яратган унга шундан ортигини бермаслигини, биз исмиимизни билганимиз каби яхши билмоғимиз лозим.

Уни ўзбек миллати билан “Ошкоралик” дучлаштирган эди, энди и с т а с а к - и с т а м а с а к , хар икки томонни М у с т а қ и л л и к н и н г узок йиллар давом этган мағлубиятлари – йўқотишлар, жабру зулмлар уларни бири-бири билан юз кўрмас қилади. Бу табиий бир жараёндир. Яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам бошланғич нуқтаси бўлгани сингари сўнги нуқтаси ҳам муқаррарлиги, одатдаги бир ҳолат. Буни айтиш ёки пайқаш учун кароматгўй бир авлиё ёхуд

Ванга бўлиш шарт эмас...

Яъна, ундан яхшилик таъмасида бўлганларнинг ўзлари ҳам, миллат ва жамият ҳаёти учун ўта хафали одамлар-ки, улардан президент Каримовдан нафратланган каби нафратланмаган одамлардан ҳам узокроқ юриш керак.

Ҳа, бугун аксарият сиёсий гуруҳлар яхши билгани каби алданган халқ сайлов участкаларига бориб, ўшанда хўжакўрсинга овоз берган эди.

Эртаси, ҳақиқий овозлар жойида йўқ қилиниб, махсус қутилар орқасига қайтарилганди, ва бутун ҳисобот бир неча кун аввалдан тайёрланган сохтакорлик асосида оммага эълон қилинган эди. Назаримда, ўшанда янги давр бошланганидан руҳиятида толатўплар турган миллат – ниҳоят, асрлар бўйи давом этиб келаётган ғафлат уйқусидан уйғонгандек, Горбачев ошкоралиги тухфа этган эркин насмлардан кўзлари қамашган мазлумлар шуурида, келажакка чексиз умид жолалари

(Давоми кейинги саҳифада)

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

учкунлаётгандек эди.

Мен ҳам тўрт асрлик жаҳолатдан – илмсизлик, мақсадсизлик ва дину диёнатсизликдан, йўлсизлик ва чексиз хорликлардан миллатимизнинг яқин йиллар ичида қутулишига астойдил ишонар эдим. Катта қамқоқхона панжаралари чилпарчин бўлиб, ўзбекнинг дунёга чиқишига, ота-боболар каби илм-фанда ва дину диёнатда ўзлигини намоён этишига ошиқардим.

Халқ бошида, ювиқсиз, “бисмилло”сини билмайдиган, авлод-аждоди ноаниқ, оғзидан чиққан ҳар қанақа сўзи тузсиз, амали бетайин бир думсиз шайтон найрангбозлик билан ўтириб олиб, барчаси, тескари кетди.

Атрофидагилар, унинг ҳозиргача ҳам ўнг қўл билан чап қўлнинг вазифасини билмаслигини айтадилар. Бутун бошли қадим бир миллатнинг куни, чап қўли билан тиши қавагида қолган гўшти олиб, ўнг қўли билан орқасини қашлайдиган бир дину диёнатсизга қолиб кетди.

Миллатнинг асрлар асносида, Озодликни интиқлик билан кутганлари ҳам, дунёга чиқиш учун терлаб-пишганларию мамлакатнинг тараққиёти ва келажаги учун не-не режалар тузиб, хаёлан осмонларга қанотсиз қуш каби парвоз қилганлари ҳам рўё бўлиб чиқди. Миллат, яна елкасига чиқиб олган раҳнамо сувратидаги қаззоблар томонидан, шу қаззобларга мол-дунё илинжида дум булғатадиган сохта ва эътиқотсиз зиёлилари томонидан чув туширилди. Ҳақиқий зиёлилар, миллатнинг ҳар қандай яхши-ёмон кунига ярайдиган ўғлонлари четда қолиб кетдилар, президент И. Каримов қаддини ростлагач эса, улар қамқоқхоналарга ташландилар, қувғинга учрадилар. Миллатнинг энг сара, фикрати равшан фидойи ўғил-қизлари Мустақиллик йилларида тинмасдан қатлиом қилиндилар.

Президент И. Каримовнинг ўзбек халқига мислсиз душмалиги туфайли, Мустақиллик йилларида берилган талофатлар Сталиннинг қатағони йилларидагига кўра ҳам, Иккинчи Жаҳон уруши йилларидагига нисбатан ҳам кўлам жиҳатидан улканроқ ва ҳалокатлироқ бўлди. Бу йилларда, халқни ўзлигидан адаштириш учун, одамлар бошсиз подага

айлантирилди, уларнинг зехнида ва руҳиятида катта ва зўравон миллатларга қул қилиш учун сурункали ва шафқатсиз жанглар олиб борилди. Ва, бунга тўлик эришилди ҳам.

Мен “Эрк” фаолларидан бири сифатида, Муҳаммад

Солиҳнинг ишончли вакили эдим.

Шу учун ҳам ўша йиллардаги жараёнларда содир бўлган ҳар бир нарсани бугун ҳам ҳозирдагидек теран эслайман.

Ҳар бир воқеа-ҳодисага бевосита гувоҳ бўлганим учун ҳам, Аллоҳ мени ўла-ўлғунимча, халқимнинг тақдирига бепарво бўлиш касаллигига мубтола қилмасин, деб, Унга ёлвораман, кўрган-билганларимни, бошимдан кечирганларимни келажак авлодларга ёзиб қолдиришга тиришаман.

Бевосита жараёнларни бошқариб борган коммунистлар, хавфсизлик ташкилотлари вакиллари ва маҳаллий халқ орасидан чиққан фаоллар, ўшанда сайловнинг шунчаки номига ўтказилганлигини – ичкарида нималар бўлаётганигини ҳеч кимдан яширмадилар.

Бундай ҳийлани гизли, енг ичида амалга оширишнинг иложи йўқ эди.

Сабаби, хавфсизлик ташкилотлари, коммунистлар ва ҳукумат тарафдорлари истасалар-истамасалар, рўй бераётган воқеалар хусусида ким биландир, фикрлашишга ва жарёнларни муҳокама қилишга мажбур эдилар.

Қолаверса, улар тирила бошлаган миллатнинг ажралмас бир қисми сифатида, илғор ғоялар таъсири остида эдилар, Туркистон халқларининг бирлашадиган замонлари келатганига ишонч ҳосил қила бошлаган эдилар.

Ҳар бир жаҳадаги сингари уларнинг орасида ҳам ўзликни англаш бошланган эди.

Улар Каримовнинг Муҳаммад Солиҳ етакчилигидаги “Бирлик” ва “Эрк” ҳаракатларининг миллий озодлик ғоясига тиш-тирноғи билан қарши туриб, мустақилликка оёқ тиркаб, халқни СССР таркибидан чиқмасликка даъват қилиб, “мустақиллик”, “озодлик” шиорларининг нақадар беъмани нарса эканлигини тинмасдан жавраётганини кўриб турардилар.

Каримовнинг субутсизлигини, тупуриб тупигини яна оғзига олаётганини ўз кўзлари билан



кўриб, ўз қулоқлари билан ҳар қуни эшитардилар.

Халқ буюк мақсадларни амалга ошириш учун шайланаётгандарлар эди. Каримовни ва унинг хатти-ҳаракатларини бошқариб турган Россия ва Исроилни ҳам, айни мана шу ҳолат ташвишга соларди. Дунёда ҳеч ким Туроннинг оёққа туришини, ўзбек, қозок, туркман, тожигу қирғиз, қорақалпоқнинг бирлашиб, бир мушт бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, зулм занжирларини узишини, ойдин ва равон йўлларга чиқишини хоҳламас эди. Бу йўлда энг катта ғов – Ислом Каримов эди. Унинг ўзбек сингари қозокни кўришга кўзи, отишга ўқи йўқ эди. Тожик деса, уни ваража тутар, қирғиз деган сўзни эшитса, пешонаси тиришиб, туркманни эшитганда, томоғига тупиги учарди.

У Ўрта Осиёни парчалаш, одамлар онгини аросатда ушлаб туриш учун ўзбекнинг бошига олиб келинган эди. Унинг вазифаси, туғишган халқларни секин-асталик билан бир-бирларидан узоклаштириб, уларнинг ўртасида Буюк хитой деворини тиклашдан иборат эди. “Туркий”лар деган тутриқсиз сўз, бемаза қовуннинг уруғи каби урчиб, Темур ва Навоийлар фахр билан айтган “турк” деган сўз истеъмолдан чиқиши керак эди. Туркистон орадан кўтарилиб, “Туркийистон” пайдо бўлиши, ҳар бир одам ўзлигин тополмай, биров тилини чайнаса, яна биров кўрга ўхшаб бир кўзини сиқиб юриши лозим эди. У Ўзбекистонда икки кўзини очиб, қулоғини динг тутиб турган бирор хушёр одамни кўрмаслиги зарур эди.

У ҳали Туркия турклари охиригача туркланмасларидан минг-минг йиллар илгари ҳам Турон турклари дунёда ҳукмбардорлик этиб юриганларини яхши биларди. Туркия туркларининг маънавий устунларию кадрятлари Хоразму Бухоро, Самарқанду Фарғона билан боғланганлигини ҳам, ғанимлар

**(Давоми кейинги саҳифада)**

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

томонидан унга англантилган эди. У шунинг учун ўзбекнинг ўзанига тушиб, пишкириб оқишига, дарёнинг дарёланишига, яна унинг қадим замонлардаги каби дарғаланишига тиши-тирноғи билан қарши эди.

Каримовда четдан кимларгадир суянишга эҳтиёж бор эди. У ўзбек зехниятига бегона ва бир вақтда, исломга, баайни бутун турк дунёсига душманлик руҳида тарбияланган бир шахс эди.

Унинг асосий тарихий миссияси ўзбек миллатини ғафлат уйқусида ушлаб туришни тақазо этарди.

Бу учун биринчи навбатда, у Муҳаммад Солиҳга ўхшаган инсонлар жисмонан йўқ қилиниши зарурлигини ёхуд мамлакатдан қандайдир баҳона билан чиқариб юборилиши шарт эканлигини биларди.

Акс ҳолда, халқнинг бош кўтариши эҳтимоли юқори эди.

Халқ бир фурсат бўлса ҳам, лидернинг – йўлбошчининг қалбларни жўштирувчи ҳароратини ҳис қилиш бахтига мушарраф бўлган, аниқ мақсад ва битта ғоя атрофида бирлашишнинг нақадар бир кучли ҳиссиёт эканлигини танасида синаб улгурган эди.

Шунинг учун ҳам Каримов миллатнинг умидига айланган Муҳаммад Солиҳни осонлик билан на сиёсий аренадан, на жисмонан йўқотиб бўлмаслигини яхши англари.

Аммо у атрофида ўзини туну кун қуршаб турадиган яхудийлар маслаҳати билан иш кўрарди, ўшаларнинг йўл-йўриғи билан одимларди. Яхудийлар Исроил давлатининг манфаатлари учун ҳар қанақа пасткашлиқдан тап тортмаганлари каби ақлсиз аҳмоқ ҳам эмас эдилар. Улар жуда узоқни кўзлаб, хотиржамлик билан иш кўрардилар. Бизнинг бугунги кунги ночор аҳволимиз тархини, улар ўша замонда тузиб чиққан эдилар.

Улар маслаҳати билан И. Каримов Муҳаммад Солиҳга сайловлардан кейин давлатда катта мансаб таклиф қилди. Албатта, бу бир тузоқ эди. Унинг нияти нелигини ҳар доим яхши англайдиган Муҳаммад Солиҳ, таклифни қабул қилмади. На мансаб, на-да мол-дунёни кўзга илди. Каримов тузоғига илиниб, халқнинг озодлиги ва ҳурлигини суистеъмол қилишни ҳеч иккиланмай рад этди.

Ўша кунларда, мен унга мустабид

Каримовга қарши куч ишлатишдан бошқа чора қолмаганини, шундай қилмасак, келажакда миллатни оғир кунлар кутаётганини айтдим.

Ҳақиқатан, бизнинг қўлимиз баланд эди. Сабаби, халқнинг иштиёқи мислсиз, мамлакатни тараққий эттиришга бўлган ғайрат-шижоати осмон эди. Одамларга маёқ вазифасини ўтаган Муҳаммад Солиҳнинг миллий руҳдаги мақолалари ва намойишлардаги чақириқлари ёд бўлиб кетганди. Унинг номи кириб бормаган хонадон, миллий озодлик ғояси билан юраги урмаётган бирор-бир тирик юрган одам мамлакатда қолмаганди ҳисоб. Тўрт асрлик турғунлик уйқусидан кўз оча бошлаган одамлар учун озодлик ва тараққиёт муждалари янги чиқиб келаятган куёш сингари ҳароратли туюларди.

Ўшанда Муҳаммад Солиҳнинг давлат бошига келиши учун жонларини қурбон беришга тайёр милёнлаб тарафдорлар бор эди.

Уларнинг кўпчиликлари келажакдаги Каримов террори оқибатида, миллатнинг сара йигит-қизлари беҳуда нобуд бўлиши мумкинлиги ҳақида баҳслашардилар, Каримов каби бир оми ва жоҳилдан ҳеч қачон яхшилик чиқмаслигини, ўзларича каромат қилардилар.

Каримов ҳақиқатан ҳам, бизнинг қаршимизда тишсиз-тирноқсиз, бироқ ҳокимиятда қолиш учун ҳар қандай тубанликдан тоймайдиган бир давр бошланган эди.

Муҳаммад Солиҳ буни теран англади, халқнинг жанговорлиги баландлигидан ҳам яхши хабардор эди.

Аммо, у мақсадга исён ёхуд уриш билан эмас, тинчлик ва маърифат йўли билан етажагига ишонарди. Халқни кун сайин ваҳшийлашаётган ҳукумат қаршисига чиқаришни истамас, Каримовни Ўзбекистоннинг пораканда бир ҳолатидан ҳамisha манфаатдорлиги бор Россия каби катта давлатлар ҳар замон ҳимоя қилиши мумкинлиги эҳтимоли кучли бўлгани учун ҳам, у таваккалчиликка қатъиян қарши эди.

Афсуски, мустақилликнинг ўтган йилларида, мустабид Каримов юз минглаган ўзбекларнинг ёстиғини қуритишга, юз минглаган болаларнинг етим, аёлларнинг ўн гулидан бир гули очилмай тул бўлиб қолиб кетишига сабабчи бўлди.

Агар ўшанда, Муҳаммад Солиҳ Каримовнинг ваҳший ва ғирт ёлғончи эканлигини бугунгидай чуқур билсайди, биз Каримовни бир сиқим атрофидаги манкурт шотирлари билан бир кунда Ўзбекистон ҳаётдан супуриб ташлаган бўлардик. Биз шунчалик кучли эдик. Ҳатто, бир неча марта демократик ўзгаришларга мойил ҳукумат мулозимлари таклифи билан шундай радикал бир режа тузилганда Муҳаммад Солиҳ И. Каримовни йўқотиш учун изн бермаган эди.

У руҳсат берганда эди, бош вазир Шукрулло Мирсаидовнинг битта ўзи Каримовни бутун командаси билан ҳавода портлатиб юборарди.

Бугун Ўзбекистон ҳаётидаги чорак асрлик муддат И. Каримов сингари бир хоинни, дея бой берилганини бутун дунё кўриб турипти.

Баҳслашадиган, тортишадиган ҳеч нарса қолмаган. Мағлубиятлар – инқирозлар, топталган умрлар, бегуноҳ тўқилган қонлар, зулмлар туфайли осмонга ўрлаётган оҳ-воҳлар, худди кафтаги сингари дунёнинг ҳар бурчагидан кўришиб туради.

Чорак асрдан буён, Ўзбекистонда разиллик ва қабоҳатнинг дину диёнатга қарши қонли жанглари давом этмоқда. Яхшилик ва ёмонлик, тубанлик ва эзгулик бири-бирига омонсиз қилич қайрамоқда. Миллат ҳар икки қоя орасига тушиб қолиб, уяси бузилган чумолига ўхшайди. Унинг Аллоҳдан бошқа умид қиладиган бирор раҳномаси қолмаган. Ботирлари аксар ўлдирилган, бир қисми қоронғи зиндонларга қамалиб, тош деворларнинг тирқишларидан ёруғлик излайвериб, кўзлари хиралашган. Бошини омон сақлаш учун хорижларга қочиб қутилганларнинг юраклари бугун соғинч ўтида ёнмоқда, неча йилларки уларнинг кўзлари Ватан тупроқларига тикилган.

Ичкаридаги кўзи очик зиёлиларнинг тиллари эса, забун. “Ғин” деганнинг ўйлаб ўтирмасдан бошини кесадиған замонлар келди. Матбуот, радио ва телевидениедаги кўзга кўринган зиёлилар, президент Каримовга яхши кўриниш учун халқнинг юзига оёқ босадилар. Дину диёнатнинг пешволари бўлмиш уламолар, ислом байроғи остида тузумнинг мунофиқлигини ёқлаб, Яратган қолиб, “миракизм”га сиғинмоқдалар...

Эргаш Сулаймон



## Ойдин опа ҳақида ойдин хотира

“Ҳақиқий тиббиёт” – менинг қайта-қайта яхши кўриб ўқийдиган китобларимдан биттаси.

Бу китобни ёзган ажойиб инсон Ойдин опани бор-йўғи икки марта кўрганман. Китобда кичкина сурати бор. Уни илк бор шу суратидан кўрдим, танидим. Биринчи тасаввурим бўйича олима аёл юзи истарали, ўзи киборли, гавдалик, ниҳоятда бой ва чиройли кийинадиган, дунё кезиб жуда кўп нарсаларни билладиган аёл эди.

Ёзганлари фақат ҳақиқат, ҳамма касалликларнинг чинакам даъволари оддий, оммабоп, оилабоп, айниқса аёлларбоп эканидан мен китобни қариндош-уруғларга, таниш-билишларга кўп марта тавсия қилганман, ўқиттирганман.

Бундан уч йилча бурун Дадаси билан бирга Туркияда бўлганимизда

бир сабаб билан Ойдин опанинг уйларига меҳмон бўлиб бордик. Ўшанда опани ўз ҳолатида биринчи кўрдим. Суратда тасаввур қилганим тимсолдан фарқли равишда уй бекаси кичкина жуссали, ниҳоятда одми кийинган гаплари кескир, лекин жуда самимий экан. Туркча гапира бошлади. Мен эсам туркча билмасдим. Иложсиз ўрис тилида суҳбатлашдик.

Опа ҳаётида бўлиб ўтган воқеалардан, ёзган китобларидан гапириб берди. Мендан оиламиз ҳақида, қачондан намоз ўқиётганим, намоздан кейин қандай дуолар қилишим, Оллоҳдан нималарни сўрашим ҳақида суриштирди. Мен айтдим. Сўнгра ўзидан сўрадим:

– Сиз-чи, сиз нимани сўрайсиз дуоларда? – дедим.

У киши Қуръони карим оятларини кўп ўқиганидан, уларнинг маъноларини яхши тушунганидан катта-катта неъматларни, яъни, охиратда бериладиган ажру мукофотларни сўрашини айтди.

Суҳбат асносида одатда турли сабаблар билан чет элларда юрган кишилардан сўраладиган саволни бердим:

– Ватанга қайтишни, Ўзбекистонга боришни хоҳлайсизми, – деб сўрадим.

Бундай савол сўралганида одатда қанақа жавоб берилишини ҳам билардим. Лекин Ойдин опа кутилмаганда бошқача жавоб қилди:

– Мен эрим билан дунёда кўп сарсон юрдим, ғурбатнинг кўп қийинчилигини тортдим ва эндигина ўз уйимга эга бўлдим. Оллоҳдан худди мана шундай уйим бўлишини кўп сўраган эдим, орзуйимга эришдим. Бу ердан энди ҳеч қаерга кетмайман!..

Албатта, унинг бу қарори ўзига ҳам оғирлиги сўзларидан билиниб турарди, айни чоқда, мусофирликнинг кўп машаққатларини бошдан ўтказган бир аёлнинг аламли севинчлари ҳам сезилар эди.

Шундай қилиб, ғоят таъсирли ўтган меҳмондорчилик ортиқча мулозаматларсиз тугаб, хайрлаша бошладик. Шунда Ойдин опа бирданига:

– Сен Қуръони каримнинг Моида сурасидан учинчи ва олтмишинчи оятларни ўқиб, таржимасини билиб

олгин, янаги учрашганимизда сўрайман, – деб қолди.

Мен, албатта, нимага энди айнан ўша оятларни ўқишим кераклигини ўша пайтда билмадим. Лекин кўноқ бўлиб турган уйимизга келганимиздан кейин ихтиёрсиз равишда Қуръони каримни олиб, айтилган оятларни излаб топдим ва ўқий бошладим.

Орадан бирор хафта ўтиб Ойдин опанинг клиникасига бордик. Дадаси ўзларини қаратмоқчи эдилар. Расмийчиликларини қилиб, қабулига кирдик. Опа Дадасининг қўлваоёқтирноқларига, лабларини оғдартириб ичларига, кўзларига, юзларига қараб, қандай касалликларни бошдан кечирганларини, уни даъволаш учун қандай муолажалар қилиш, қанақа дори-дармон қабул этишлари лозимлигини айтди.

Менга берган топшириғи эсида экан, жавобини сўради. Билганимча айтдим.

– Уй-рўзғор, оила, болачақа, куда-андачилик, неvara ташвишлари – бунақа баҳоналар инobatга олинмайдиган, ўзинг учун фақат ўзинг жавоб берадиган пайтга ҳозирлик кўрмайсанми?! – деди ўзига хос кескирлик билан.

Айтганига ўзи амал қилганидан, буларни ўз бошидан кечирганидан гаплари жуда таъсирли эди. Мени биринчи марта кўрганидаёқ гўё ичимдагиларни билиб олгандай эди. Иккинчи марта кўришганимизда ҳолатимга аниқ-тиниқ ташхис қўйди.

– Яшаб ўтаётган умрингни бекорга увол қилма, ҳамма майда-чуйда нарсалар ўткинчи, ҳаётда аниқ бир мақсад билан яшаш керак, – деди опа.

Мен учун сира кутилмаган яна бир гапи:

– Одамларни даволайдиган бўлмайсанми? – дегани бўлди.

Ҳайрон бўлдим. Табобатдан умуман хабарим бўлмаса.

– Қандай даволайман? – деб сўрадим.

– Ҳожамот қиласан (яъни, зулук билан қон оласан).

– Қон олишни билмайман-ку? – десам,

– Бирортасидан ўрган, – деди опа.

Ойдин опа билан яна бир оз гаплашиб ўтирдик. Юртга қайтаётганимизни, яна келганимизда албатта зиёратига келишимни айтдим. Чиндан,

*(Давоми кейинги саҳифада)*

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

нимагадир яна кўришишни  
истаётган эдим.

– Сен билан ҳали яна  
кўришамиз... Сен пиширган  
ошнинг таърифини эшитдим. Энди  
бизниқига бориб шунақа ош қилиб  
берасан, – деди опа.

Кулишиб хайрлашдик.

Лекин бошқа кўришиш насиб  
этмаслигини мен унда билмас  
эдим. Бу воқеалардан бир ярим  
йилча вақт ўтиб Ойдин опа вафот  
этди. Вафотини қишлоғимизда,  
Дадасидан эшитдим. Тўғриси,  
кўнглим бир оғдарилиб тушгандай  
бўлди.

Мен Ойдин опани яхши кўриб  
қолганим каби, назаримда,  
у ҳам мени озгина бўлса-да  
ёқтиргандай эди, буни гап-сўзлари,  
муомаласидан ҳис қилардим.

Қандай ҳам гўзал ўлим топибди!  
Тўғриси, ҳавасим келди. Албатта,  
ўлимга ҳавас қилиб бўлмас.  
Ойдин опанинг ҳаёти ҳавасимни  
келтирган дир балки.

Тиригида ўзи ҳақида

мақтовларни кўп эшитган бўлса  
керак. Аммо вафотидан кейинги  
эътирофлар, ёдланишлар,  
соғинишлар, самимият билан  
орқасидан қилинган дуолар...

Ҳаммага ҳам бунақа бахт насиб  
қилавермайди!

Етмиш бир йиллик умри  
давомидаги алғов-далғовли ҳаёт,  
хавотирли дарбадарликлар, Ватан  
соғинчи, эрининг тақдирдан  
ташвишлар – ҳамма-ҳаммаси  
учун Оллоҳ таоло ўзи дуо қилиб  
сўраганидан ҳам мўл ажру савоблар  
берган бўлсин. Булар устига, умр  
йўлдоши ёзган тўрт қатор шеър...

*Мозорингга кетдим, севгилим*

*Мозоринг гулзор эди.*

*Сўнгра уйга қайтдим сенсиз*

*сенсиз уй мазор эди...*

Бу тўрт қаторгина шеър ичига  
яширинган буюк иқрор!..

Менимча, бу шеърни ёзишга  
соатлаб вақт кетмаган. Онда  
туғилган. У иккинчи бир самимий  
юрак тубидан бирданига отилиб  
чиккан нидодирки, Ойдин опа

шунга муносиб эди. Демак, у  
кимнингдир бир хотини ўлароққина  
яшамаган, яна нималардир бор  
унда.

Илк суратидан таниганим,  
кейинроқ ўзини кўриб таниганим,  
ниҳоят, ўлимидан кейин таниганим  
Ойдин опа тимсоли бугун ҳам  
сира кўз ўнгимдан кетмайди. Бир  
бардошли аёл ўлароқ ҳам Ойдин  
опа барча аёлларга ибрат бўларли  
даражада ҳаётда чиройли яшаб  
ўтганини юрак-юрагимдан ҳис  
этдим.

Ойдин опа ўзидан кейин шундай  
бир садақан жория қолдирдики,  
орқасидан бунинг савоблари,  
иншаоллоҳ, мўл-кўл бўлиб етиб  
тургузи ва ҳаққига шогирдлари,  
мухлислари қилаётган дуолар ҳам,  
иншаоллоҳ, ижобат бўлгусидир.

Оллоҳ раҳмат айлаб, ётган  
ерини жаннатлардан бир боғча  
қилсин ва ўзи орзу этган чин  
ватанига – фирдавс жаннатларига  
қовуштирсин.

**Умму Марям**

*2015 йил ноябр,*

*Истанбул.*

Жорий йилнинг март ойидан  
бошлаб Самарқанд вилоятининг  
барча туманларида кексалар ва  
ногиронларнинг пенсия пуллари  
кечиктириб берилди бошлади.

Сентябрь ойига келиб эса аҳвол  
бундан-да ёмонлашди. Ойнинг  
ўрталарида Самарқанд туманининг  
ўзим яшайдиган маҳалла ҳудудида  
жойлашган почта биноси олдида  
эрталабдан ўзига тегишли пенсия  
пулини олиш умидида тўпланиб  
турган кўплаб одамларни кўриш  
мумкин эди. Пенсия бериладиган  
куни эса шундай ҳам (хона сатҳи  
тахминан 3X5 метр) почтаҳона  
ичкараси суро-сур, бақир-чақир  
бўлиб кетганини ҳар ой кузатаман.  
Негаки, ўзим ҳам пенсионерман.

Бундай аҳвол октябрь-ноябрь  
ойларида ҳам ижобий томонга  
ўзгармади.

Почта ходимларидан пенсия  
пуллари кечиктириб берилиши  
сабабини сўраганимда, уўзжавобини  
банкларда нақд пулнинг йўқлиги  
билан изоҳлади. Дарҳақиқат,  
тахминан 4 ойча олдин "Озодлик"  
радиоси Ўзбекистон Марказий  
банки раиси ўринбосарининг Бош  
Вазир Шавкат Мирзиёевга мамлакат  
иқтисодиётида вужудга келган нақд  
пул тақчиллиги боис банкларда  
ойлик ва бошқа ижтимоий  
тўловларни вақтида бериш учун  
над пул қолмаганлиги тўғрисида  
ҳисобот жўнатгани тўғрисида  
хабар тарқатган эди. Ваҳоланки,  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг 2015 йил 16

июлида бўлиб ўтган ярим йиллик  
ҳисобот ийғилишида ялпи ички  
маҳсулотнинг ўсиши 8,1 % га  
экспорт ҳажмининг ўсиши 7,4 % га,  
товарлар ишлаб чиқариш ҳажми  
13,5 % га, чақана товар айланмаси  
эса 14,8 % га ўсгани айтиб ўтилган  
эди. "Халқ сўзи" газетаси ўзининг  
2015 йил 3 июлдаги №130-сонидан  
Республикада йиллик иқтисодий  
ўсиш 10 йилдан бери 8% дан кам  
бўлмаганлигини мақтаниб ёзиб  
тарқатган. Ҳукуматга қарашли  
телевидение ва газеталар мана  
24 йилдирки Республикада ҳар  
йили 7 миллион тоннадан ортиқ  
бошоқли дон, 3 миллион тоннадан  
ортиқ пахта йиғиб олинганини,  
ўртача иш ҳақи ойига 500 (Америка  
Қўшма штатлари пул бирлиги)  
доллардан кам эмаслигини, сўмнинг  
қадрсизланиши – инфляция



## Нега пул йўқ? Сўмлар қаерда?

даражаси 5-6 % атрофида  
бўлганлигини даъво қилади. 9  
ой якуни бўйича ҳам иқтисодий  
кўрсаткичлар деярли ўзгаришсиз  
қолди. Фақатгина инфляция қисқа ва  
лўнда қилиб прогноз параметрлари  
доирасида деб кўрсатилди холос.  
Ҳақли савол туғилади. Модомики,  
иқтисодий кўрсаткичлар юқорида  
қайд қилинганидек аёло даражада  
экан, демак, муомалада ушбу  
иқтисодий кўрсаткичларга яраша  
пул бирлиги бўлиши керак. Пул  
эса йўқ. Натижада пенсия ўз

вақтида берилмаяпти. Пул йўқ  
баҳона ўқитувчи, шифокор ва  
бошқа касб эгалари уч-тўрт ойлаб  
маошсиз қолишмоқда. Банкларда  
пул йўқ баҳона пенсионерларнинг  
пенсияси, ўқитувчи, шифокор ва  
бошқа касб эгаларининг маоши  
уларнинг розилигисиз пластик  
карточкаларга ўтказилмоқда.  
Нега? Нега банкларда пул йўқ?  
Бозорда бир ойлик бузоқча бир қоп  
турадиган сўмлар қаерда?

**Эгамқул ХУДОЙБЕРДИ**

*2015 йил, ноябрь*

**Маййитни сарсон қилганлар**

Яқинда таниқли ўзбек тарихчи олими, халқаро миқёсда тан олинган Гога Аброрович Ҳидояттов 85 ёшида оламдан ўтди. Ўзбекистондаги тарихчиларнинг аксари бу шахсни ўзлари учун устоз деб билишади.

Гога Ҳидояттов жорий йилнинг 9 декабр куни вафот этди. Маълумотларга қараганда, олим оқшом олтилардан кейин фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилган.

Жаноза вақти эса вазиятдан келиб чиқиб куннинг эртасига – 10 декабрь соат 10.00га белгиланган. Айтилган вақтда жаноза намози ўқилган ва маййит Ўзбекистон зиёлиларининг аксарияти дафн этилган Чигатой қабристонига олиб борилган. Аммо қабристон маъмурияти маййитни қабул қила олмасликларини маълум қилишган. Чунки “юқори”дан кўнғироқ қилиниб, Гога Ҳидояттовга қабристондан жой бермаслик ҳақида буйруқ берилган. Гувоҳларнинг шохидлик беришларича, олимнинг маййитини Тошкент қабристонларига қўйиш тақиқланган.

Бу гап маълум бўлгани учун Гога Ҳидояттов билан бирга ишлаган кўплаб шогирдлари, ҳамкасблари азахонага ҳам, жанозага ҳам, қабристонга ҳам бориш фикридан воз кечадилар. Жанозага келган 50 киши атрофидаги мусулмонлар унинг тобутини қабристонга олиб келган эдилар, лекин айтилганидек, маййитни олиб кетиш талаб қилинган.

Гога Аброровичнинг санокли садакатли шогирдларидан бири бу масалада олим аввал фаолият кўрсатган Тошкент Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети раҳбариятига

**Гога Ҳидояттов қандай дафн қилинди?**

мурожаат этган. Университет ректори девонга – Президент хузурига Гога Аброровични Тошкент қабристонларидан бирига, масалан, Чигатойга дафн қилиш учун рухсат сўраб хат юборганини айтган.

Орадан 2 соатлар ўтган, аммо рухсат келмаган. Шунда ҳеч қандай хат билан мурожаат қилинмагани маълум бўлган. Агар мурожаат қилинса, бу мурожаат эгаси ишдан олиб ташланиши мумкин эди.

Чунки Гога Ҳидояттов мавжуд тузумга муҳолиф фикрлари билан танилган, қолаверса, қизи Нигора Ҳидоят “Озод дехқон” ҳаракатига раҳбарлик қилган эди. Шу каби қатор факторлар уни Ўзбекистонда кузатувга олиш учун етарли асос ҳисобланган. Айтишларича, олим умрининг сўнгги йилларида фаол меҳнат қилган, охириги йирик китоби – “Турклар цивилизацияси”ни ёзиб

туғаллаган. Ўлимидан олдин эса мусулмонликка исбот бўлувчи калимаи шаҳодатни кўп бора айтган.

Кўп оворагарчиликлардан сўнг олимни Чигатойга кўмиш учун рухсат келган. Бу рухсатни олиш учун унинг шогирдлари Вазирлар маҳкамаси, Президент девони ва бошқа идоралар ўртасида, халқ тили билан айтганда, “зир” югурганлар. Катта қийинчилик билан ижозат олинган. То бу рухсат келгунга қадар маййит қабристон эшигида 6 соатга яқин туриб қолган.

Туман Ҳокими томонидан қабристондан ер ажратишга рухсат берилмагач, Гога Ҳидояттов жасади онаси Сора Эшонтураеванинг қабри устига дафн қилинди.

Жанозадан бир кун ўтиб Ўзбекистон радиоларида Гога Ҳидояттовнинг вафоти ҳақида расмий хабарлар эълон қилинган, марҳум руҳига бағишлаб берилган ошга юзлаб одамлар келишган, таъзия билдирувчилар ҳам кўпайиб кетган.

Гога Аброрович тириклигида ўз қарашлари билан Ўзбекистоннинг бугунги ҳукуматига хавф солиб турганди балки, вафотидан кейин ҳукумат узоқ ўйлаб, маййитнинг зарари йўқлигига ишонч ҳосил қилган, дафн учун рухсат берган бўлса керак.

Мазкур ҳолат Ислом Каримов бошчилик қилиб турган ўзбек ҳукуматининг асл башараси қандай эканлигини яқиндан билдиради.

**Хасан Али**



### Шунингдек, Ўзбекистонда обуна эпидемияси

Яқинда ЎХХ сайтида “Дод” буларни билмайди” сарлавҳали мақола чоп қилинган эди. Унда Каримовга халқ томонидан “дода” лақаби берилганлиги ҳамда уни Республикада бўлаётган ном аъқулчиликларни “кўрмаётгани”, “билмаётгани” ҳақида сўз борган эди.

Каримов кунни кеча конституция куну муносабати билан сўзлаган нутқида “ҳамма нарса”ни билишини ошқор қилди. Бундан ташқари у Наманганда ҳам шу ҳақда гапирган эди.

Каримов Наманганда таниш-билишчилик авж олиб кетди, бу қандай иш бўлди деб роса бақирган эди. Кечаги тадбирда эса порахўрлик – коррупция ҳақида тўхталди. У Ўзбекистон порахўрлик



### “Дода” буларни билар экан!

кучайиб кетганини қисқача урғулади. У бу ҳақда қасамёд маросимида ҳам гапирган, мен ҳаммасини биламан, порахўрликни йўқотиб бўлмайди, балки уни камайтириш мумкин деган эди. Бу сафар эса Ўзбекистонда қонун бузилиш ҳоллари кузатилаётгани ва буни қонун ҳимоячиларининг ўзи амалга ошираётгани ҳақида гапирди.

Дунёдан узиб қўйилган, давлат бошқаруви, ҳурлик ва эрк ҳақида тасавури бўлмаган халойиқ эса унинг бу нутқини улкан ҳодиса ўлароқ қабул қилиши турган гап. Устига устак Каримов ўзини жон қойитаётган қиёфада кўрсатиш қобилиятига эга.

Каримов қонун бузулиш ҳоллари ҳақида гапирса-да, айнан ким бузаётганини аниқ айтмади – бу унинг одати. Чунки қонунбузарликлар ортида ўзи турибди.

Каримов оғиз кўпиртириб қонун устуворлиги ҳақида 25 йилдан бери таъкидлаб келса-да, нега аҳвол эски ҳаммом, эски тос эканлиги тўғрисида оғиз очмади.

Аслида, бу Каримовнинг ўйини. Чунки у ҳар йили шу типдаги муаммолар ҳақида умумий микёсда гапирди, гапни айлантиради. Аввалги йилги байрамда у қари

кадрларни ёшларга алмаштириш ҳақида сўзлаб, бунга амал қилмаган эди – ўзининг ёши 80 га чиққанидан беҳабар бўлса керак. Ёки ҳамон ўзини ёш кадр деб ўйлаши эҳтимол.

Шунингдек, Каримов ўтган йили конституция куну аёллар учун гўзаллик салони куриш ҳақида кўрсатма берган эди. Ўзбекистонда гўзаллик салонлари бизнеси ҳозир яхши йўлга қўйилди.

2013 йил эса журналистларга ёзғирган эди. “Нега журналистлар камчиликларни ёзмайди?!”

Нега танқид қилмайди?!” – деган эди. Албатта, унинг бугаги ҳеч қандай ишонмади, чунки камчиликларни ёзган журналистнинг жойи тайин. ТВда ҳар-ҳар замонда “танқидий” кўрсатувлар тайёрлаб туришади. Бу кўрсатувлар касалнинг олдига кеч борадиган дўхтирлар, кўчага ахлат отадиган бефаросатлар ҳамда хусусий газеталарга қарши бўлиши мумкин. Шунингдек, турли диний оқимларга аъзо бўлганлар “танқидий” кўрсатувларнинг бош мавзуси.

Каримовнинг шахсан ўзи Ўзбекистон Халқ ҳаракати фаолиятига қизиқади. У сайт материалларини ўқиб бориши катта эҳтимолга эга бўлган ҳақиқатдир. Чунки у рақибларининг ўзи ҳақдаги танқидларини яхши

ўрганиб, муносиб жавоб топишга муваффақ бўлиши шарт. Каримов конституция тадбиридаги “нутқи”да ана шу жавобларни беришга баҳоли қудрат ҳаракат қилди. Лекин шоҳидлар унинг бу гаплари ҳавойи эканлигини, порахўрларга бу гаплар пашша чакқанчалик таъсир этмаслигини, ҳолат доимий давом этишини жуда яхши англайдилар.

Шу ўринда Ўзбекистонда ҳар йилнинг сўнгги икки ойида обуна эпидемияси тарқалишини айти ўтиш жоиз. “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон овози”, “Туркистон” ва бошқа давлат нашрлари мамлакатдаги барча идора ходимларига мажбуран тарқатилади, бунинг учун улар мажбуран обуна қилдирилади. Йўли осон – ойликдан ушлаб қолинса кифоя.

Бугун ана шу эпидемия

авжга чиққан.

Масалан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси “Ҳидоят” ва “Ислому нури” нашрларига Республика масжидлари учун план қўйилган. Агар план бажарилмаса, вилоят имомлари катта танбеҳ оладилар. Мазкур ҳолат Ўзбекистондаги ҳар бир иш мабурий қилиниши, одамларнинг ўзида ташаббус ўлганига исбот. Қолаверса, нашрларнинг ҳаммаси Каримов ва унинг тузумига маддоҳ бўлгач, ҳеч ким уни ўз ихтиёри билан сотиб олмайди ёки обуна бўлмайди.

Каримов минбарда қонун устуворлиги ҳақида гап сотади – бу ёқда эса мажбурий обуна давом этади, порахўрлик давом этади, ноҳақлик гуллаб-яшнайд.

Каримов ва унинг тузumi ўнганмайдиган касалга чалинган. Бу – маънавий касалликдир. Унинг номи иймонсизлик, ёлғончилик ва ўғрилиқдир. Яқин орада касаллик ўз беморини олиб кетади. Чунки бошқача бўлиши мумкин эмас.

Ўша кунга яқин қолди, Худо хоҳласа.

Ўтилаётган ҳар бир кун ана шу мутлақ қабз куну – Каримов ва унинг тузumi фарғараси кунига бизни олиб бормоқда.

Абдуллоҳ Нусрат

*(Давоми: Боши олдинги сонда)*

Ночор,  
Субитсиз,  
Пора хўрмиш  
-Нима қил дейсиз?  
-Тузатинг.  
-Мен учун Сизнинг фикрингиз  
хар нарсадан азиз.  
-Оғзингизга чайнаб солсак,  
ярашмас.

-Мени кечиринг, агар рухсат  
берсангиз, “Улуғ оға“ ҳисобига...  
-Бу бошқа гап, Иномжон  
Бузрукович, халқда норозилик  
уйғотмай, секин –секин...

-Хўп, бўлади, — у ўнг қўлини  
кўксига қўйди.

-Унутманг, пахта – ўзбек  
халқининг ғурури. План — биринчи  
ўринда...

-Биламан.  
-Энди, сизга рухсат.  
-Раҳмат! — Иномжон  
Бузруковичнинг кўкси қувончга  
тўлди.

Зўр кайфият билан Тошкентга  
учди. Унинг виждони: “  
Ўзбекистонда ҳам муносиб  
кадрлар бор “ демаганига заррача  
қийналмади. “ Қўйилган масала  
ўзбек халқининг иззат – нафсига  
тегади “ деб ўйлаб ҳам кўрмади.  
Пахта қулига айланган эл. Топган  
– тутганини Москвага юбораётган  
эл, қарам, мазлум эл эсига ҳам  
келмади.

Кадрлар масаласида туман, ўлка  
биринчиларини, министрларни,  
газета, журнал редакторларини,  
радио, телевидение бошлиқларини  
Марказжўмга чақирди. Ҳаммаси  
бир овоздан бу фикрни қўлади.

Лоақал бир инсон “  
Ўзбекистонда кадрлар етарли  
“ деб айтмади. Кўрқди. Иссиқ  
жойидан айрилишидан кўрқди.  
Қамалишидан кўрқди. Ким ҳам  
Кремл сўзига қарши чиқади?  
Бунинг учун:

Муқанна,  
Мангуберди,  
Темур бўлиб туғилиши керак.  
Бунинг учун ўз жонларидан кеча  
оладиган:

Ботир йигитлар,  
Ботир қизлар керак.  
Қон ютиб ўйладим:

“Ватаним кимнинг қўлида  
ўйинчоқ бўлапти? Кимларнинг?  
Ўз хузур -ҳоловатларидан бошқа  
нарсани ўйламайдиган бир тўда  
пуч:

Манқуртлар,  
Мунофиқлар,  
Ялоқлар,  
Қотиллар,

Тўнғизлар,  
Тулқилар,  
Каламушлар,  
Иблислар,  
Қони ётлар қўлларида эмасми?  
Кимнинг зулмида тутдек  
тўкилаяпсан?

Кимларнинг?  
Кўзингни оч, элим!!  
Кўзингни, оч!!!  
Қон ютиб ўйлайман:  
Балки, булғанчларни йўқ этиш  
учун Чингизхон лозимдир?

## Эврил Турон: Кишанланган Қалблар-27

Чингизхон!  
Тангри қиличи!  
Осий бандаларни чопиш учун  
юборилган Тангри қиличи!

Қон ютиб ўйлайман.  
Хотирамда Чингизхон сўзи  
тирилади:

“Эй, кишилар! Билингиз, мен  
Тангрининг боласиман. Агар Сиз  
ёзуқли бўлмаганингизда, Тангри  
сизнинг жонингизни олишга мени  
юбормасди».

Тангрига ёлвораман:  
Чингизхонни тирилтир. Унинг  
қўли билан:

Қони бузук,  
Нафси бузук,  
Сўзи бузук

Сотқинларнинг бошини ол!  
Тангри оҳимни эшитади.

Юртни “Улуғ оға“ бошқарувига  
топширган, бўсагагача пахта  
эктирган, гўдақларни жўякларга  
сочган... Ватанни сотган,  
Рашидовни сотган хоин, хоинлар  
Тангри ғазабига йўлиқади. Кремлга  
жони билан хизмат қилган Хўжани  
Кремл қамокқа олади.

“Улуғ оға“ маддоҳи, қули, куроли  
Раёно Абдуллаевани ҳам қарғиш  
уради.

Дин юзига оёқ босган,  
саждагоҳлар ( мачит, жомелар )  
ни ёптирган, буздирган, ибодат  
қилишни таъқиқлаган ( Кремл  
топшириғи билан ) бу хотин  
шумғиядек юлиб ташланади.  
Москва томонидан...

Шу куни мен тушумда Чингиз  
ҳоқонни кўрдим. У мен билан  
сўрашмади. Унинг ўнг қўлидаги  
қилич, чап қўлидаги ойболта  
қуёш тиғида ялтирароқ кўзимни  
қамаштирди. У момоқалдиروهдек  
гулдироқ овозда мендан сўради:

-Яни кимни чопай?  
-СССРни!  
-Ўзинг ҳам кураш! – Буюк ҳоқон  
кўздан ғойиб бўлди. Кўп ўтмай  
СССР қулади.



### VI қисм

Салла ўрнига калла...

*Йўлдошларим  
Южел Танай ва  
Ҳакан Жошқунарсланга*

“Мўминлар учун энг оғир замон  
қайсидир?” деб пайгамбар (с.а.в)  
дан сўраганларида, пайгамбар  
(с.а.в): “Ҳаромзодалар ҳалқ устига  
ҳукмрон бўлганда” деган эканлар.

Алихонтўра Соғуний “Туркистон  
қайғуси” китоби

“Элни алдаган ҳукмдор – ўзига  
гўр қазийди”.

**Абдурахмон Жевачи**

### Ёш шоирлар антологияси

“Кимки, ўз ватанига даҳлдор  
бўлмаса,  
у инсониятга ҳам даҳлдор  
бўлмайди”

**Жорж байрон**

Элимизда шундай кишилар бор:  
Доно,  
Камтар,  
Ботир,  
Тўғри сўз,  
Ишчан,  
Элсевар...

Улар ўзларини даҳо, доҳий  
билгувчи тўралардан кўра миллат  
равнақига кўп хизмат қиладилар.  
Аммо “ даҳо “, “ доҳий “лар  
бу юртсеварларни ёнларига  
тортмайдилар, ақл, заковотларидан  
фойдаланмайдилар. Билъакс  
ўзларидан узоқ тутадилар.  
Ўткир фикр, тўғри сўзларидан  
кўрққанларидан хатто отларини  
қоралайдилар ҳам:

“ Ватан ҳоини “,  
“ Халқ душмани “...

*(Давоми кейинги саҳифада)*



*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

Бундоқда юртда тарққийёт бўладими?

Мамлакат эркин, хур фикрлари билан комол топади.

Мен ана шундай заковатли замондошларимдан бири Ҳамид Исмоилни халқимизга қилаётган хизматини назарда тутганим ҳолда Рафиқ Нишонов, Иномжон Усмонхўжаев, Раъно Абдуллаевалардан юксакда

Менича ўзбекда бундоқ кишилар кам. Балки, қачонлардир Ҳамид Исмоилнинг бу кирралари ҳақида Эссе ёзилар. Ҳозир бу заковатли инсоннинг ўз ўзбегига қилган туман ишидан бир сўз айтаман, халос.

Фақат бир сўз...  
XX асрнинг саксонинчи йилларида Ҳамид Исмоил Москвада, СССР Ёзувчилари Союзида консультант бўлиб ишларди. Лекин юраги ўз она

Хенри Делуи ва Жан Пиерре Балпени Россия орқали Тошкентга бошлаб келди. Уларга қобилятли ёшлар асарларини Француз тилига ўғурароқ хозирлади. Бунга Муҳаммад Солиҳ ҳам ўз улушини кўшди.

## VI қисм

Салла ўрнига калла...

*Йўлдошларим  
Южел Танай ва  
Ҳакан Жошқунарсланга*

“Мўминлар учун энг оғир замон қайсидир?” деб пайғамбар (с.а.в) дан сўраганларида, пайғамбар (с.а.в): “Ҳаромзодалар халқ устига ҳукмрон бўлганда” деган эканлар.

Алихонтўра Соғуний “Туркистон қайғуси” китоби

“Элни алдаган ҳукмдор – ўзига гўр қазийди”.

*Абдураҳмон Жевачи*

Шеърлар сараланиши арафасида Ҳамид Исмоил ва Муҳаммад Солиҳ менадан:

“Меҳмонлар Самарқандни зиёрат қилишмоқчи, Сизда вақт масаласи қандоқ? “ деб сўрашди. Бундоқ хайрли таклифни ким рад этади? Жон деб рози бўлдим. Улар мамнун бўлишди. Французлар ҳам. Шу аснода кўнглимда бир истак уйғонди. Буни уларга айтдим:

-Гўзал Зомин, Бахмал тоғлари оша Самарқандга борсак нима дейсизлар? Бу – кўноқларга ҳам, ўзимизга завқ бағшлайди.

-Аъло! – деди Муҳаммад Солиҳ.

-Йўл хатарсизми? – деб сўради Ҳамид Исмоил.

-У давонлардан кўп ошганман, Ҳамид. “ Жигули “м янги. Ўзим ҳайдайман. Безовта бўлманг.

-Ҳар ҳолда французлар... – у гапимни тугатмади.

Шундан кейингина мен унинг ховотирини англадим.

-Сизлар Москва рухсати билан Ўзбекистонга келдиларингиз. КГБ буни билади. Менимча, ташвишга ўрин йўқ.

-Барибир эҳтиёт бўлайлик.

-Мен зўр ҳайдовчиман, — деб мақтанди, — омон – эсон бориб келамиз.

-Кулишда.

-Кўнгил ҳар нарсани олдиндан сезади – Муҳаммад Солиҳ ўзига хос овозда дўриллади, — йўлимиз очик.

*(Давоми келгуси сонда)*

## Эврил Турон: Кишанланган Қалблар-27

кўраман. Йўқ, янглишдим, бу қиёсим хато. Юқорида зикр айлаганимдек, улар миллатга қарши борган каслар. Ҳамид Исмоил эса элим деб яшаётган, ишлаётган, ижод қилаётган инсон. Агар замон эврилиб у Усмонхўжаевнинг ўрнида ишлаганида, Кремлнинг иддоасига қарши ўринли жавоб қайтарарди ва Ўзбекистонни ётлар томонидан бошқарилишию таланишига йўл қўймасди.

Ақл, фикр, сўзни ишлага билиш учун қобилят, журъат керак. Ўз кўланкасидан кўрқадиган, сиёсий чаласавод Иномжон Буруковичда бу нарса бормиди? Агар мен Ҳамид Исмоилни Абдулла Орипга солиштирганимда, тўғри бўлармиди? Йўқ. Ёруғлик билан қоронғулик ҳеч замон чиқишмаган.

Ҳамид Эрк куйчиси.

Абдулла КПСС...

Унда Ҳамид Исмоилни ким билан қиёслаш мумкин? Менимча, Рауф Парфи билан. Улар аро руҳий яқинлик бордай.

Ҳамид Исмоилни Оврўпа, Америка шоирларига бенгзаш мумкин. Унинг шеърларидаги

Фалсафий фикр,

Рамзийлик,

Тиниқ оҳанг кишини ўзига тортароқ шундан дарак беради. Бу жозибали шеърлари одам боласини Эрка етаклаши билан қудрат... кашф этади гўё.

Ҳамид Исмоил кўп тил билиш соҳасида ҳам фавқулодда иқтидорли. У турк, инглиз, француз, олмон, араб, форс тилларида ҳам эркин сўзлаб, эркин ёза олади. Бу борада мен ўзимни унга таққослашга ҳам уяламан. Ўзбекчадан ўзга тилни деярли билмайман. Болалигимдан ўрислар орасида ўсиб, улғайган бўлсам ҳам, ўрисчага нўноқман. Шундан келиб чиқиб айтсам, Ҳамид Исмоил кўп тил соҳасида ноёб истеъдодга эга.

юрти билан нафас оларди. Асарларида Ватан, миллат дарди бўртиб турарди. Бу замонда пахта манаполяси бўғизга келган, унга сепилаётган захар (бутифос) дан экинчи (деҳқон)лар қирилаётган эди. Бунга кўп ҳолда Кремл

Малайлари,  
Маждохлари,

Ялоқлари – Ўзбекистон

рахбарлари айбдор. Кремлнинг оғзидан чиққан гап тўғрими, натўғрими, фарқсиз, улар уни “ хўп, бўлади “ деб қабул қилишган. Унга Болтиқ бўйи республикалари бошлиқларидек ўз муносабатларини билдиришмаган. Ҳозир бу соткинлар дунёда йўқ. Бироқ келажак авлодга сабоқ бўлиши учун уларни

“ Ватан хоини “,

“ Халқ душмани “

сифатида айблаш керак. Шунда кеч бўлса ҳам адолат қарор топади.

СССР миқёсида олсак, бошқа қарам халқларга қараганда, ўзбекнинг бошига кўпроқ ўлат ёғилган.

Бу, асосан:

План,

Пахта,

Захар...

Туфайли юз берган.

Пахта – захар фожеаси бўлмаганда, ҳозир Ўзбекистон аҳолиси 50 миллионга етарди. Бу – бир менинг эмас, қамокда ўтирган олимларнинг ҳам фикрларидир.

Бу фожеа ёш ўзбек шоирлари шеърларида ҳам акс эта бошлади. Қамалмаслик, отилмаслик учун улар ўз асарларини рамзий йўл билан тўсмаларга ўраб ёзардилар. Бу ҳол маълум маънода дунё эътиборини тортди. Ҳамид Исмоил дард, алам, нафрат, ғазабга йўғрулган бу поэзияни ўзбек адиблари ичида биринчи ўлароқ олам аҳлига таништиришга киришди. Француз адиблари –



олиб кетмаганман” деб тонмоқда. Юқори идораларга муружаат қилдик, туман прокуратурасига арз қилиб борсак, қабул қилишмади. Кўмак беришармикин деган умидда Тошкентга, Республика прокуратурасининг — 233-1353 телефон рақамига, Жиноят кидирув бошқармасининг — 2332233 рақамларига юз бор кўнғирок қилдик, бироқ гўшакни бирор кимса кўтарай демайди. Насиба Туропова(моб.тел: +99890 6176099) опамнинг уч нафар ёш боласи бор. Айти дамда тўртинчи фарзандига ҳомиладор. Улар оғироёқ холига поччамни кидиришга қийналмоқда. Поччамиз Ахрор Элмирзаевни топишда кўмаклашадиган одам топишармикин? — дея умиб



## РОССИЯДАН ҚАЙТГАН «ДАНГАСАЛАР» ҚАЕРДА?

Кейинги ойлarda Ўзбекистонда ватанига қайтган “Дангаса”ларнинг дараксиз кетиши урф тусига кирди.

Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ тумани Пайчи маҳалласи, Нихол кўчасида истиқомат қилувчи 3 нафар фарзанднинг отаси, 1974 йилда туғилган Элмирзаев Ахрор 2014 йилда 35 ёшли турмуш ўртоғи Насиба Туропова билан тўрт танга топиш, болаларини устини бутқорнини тўқ қилиш илинжида иш излаб Россияга йўл олган эди.

2015 йилнинг 16 июнь куни, Россиядан, аввалига Насиба Туропова Ватанига, Қашқадарёга қайтганди.

Ахрор Элмирзаев эса орадан тўрт ой ўтгач, 15 октябр куни Ўзбекистон томон учган эди.

— Поччам уйга кириб келган куннинг эртасига, 16 октябр куни фуқаро кийимидаги Отабек исмли киши онамиз Норғуба опа Туроповага “Ахрорнинг ҳеч бир айби йўғу, бироқ шунчаки... четда ишлаб келганлиги сабабли суҳбатлашамиз, тушунтириш хати оламиз. Қайтиб ҳорижга иш излаб кетмаслиги учун уни ўзимиз иш билан таъминлаб қўямиз” деган мазмундаги важ билан уйдан олиб кетганди. Орадан шунча вақт ўтди. Бироқ Ахрор поччамиздан ҳалигача дарак йўқ. Ҳамон уйга қатмади. Уларни изламаган жойимиз қолмади. Уларни уйдан алдов йўли билан олиб кетган МХХ ходими бўлса керак, ўша Отабек деган кишининг олдида бориб сўрасак, улар “Мен ҳеч қанақанги Ахрор деган болани танимаيمان. Уни мен уйдан

билан ўтинади кўнғирок орқали ҳуқуқ химоячилари ва мустақил журналистлардан ҳуқуқий ёрдам сўраётган Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани Хўжайлғор маҳалласи Жума Жўраев кўчасида яшовчи Дилдора Туропова (Моб. тел: +998945237741)

Яккабоғлик Элмирзаев Ахрорнинг ўз ватанига эсон-омон қайтгач, эртаси кунийёқ орган ходими томонидан “ўғирлаб” кетилиши ортидан роппа-роса 15 кун ўтгач мазкур вилоятнинг Китоб тумани, Чаримгар маҳалласи, Номозгоҳ кўчасида истиқомат қилувчи Раҳмоновлар оиласида ҳам, айтиш мумкинки, фожиа содир бўлди.

Гап шундаки, юқоридаги манзилда истиқомат қилувчи, 1988 йилнинг 11 декабрь куни туғилган Раҳмонов Элдор Исроилович 2011 йилда Россияга иш ахтариб кетган эди. 4-5 йилик сафар давомида Элдорга ҳамроҳлик қилган дўсти, Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани, Жавоб қишлоғида яшовчи Яккабоғлик Латофат Юсупова(+99890 9385641)нинг гувоҳлик беришича, Э. Раҳмонов Москва областининг Серкицков вилояти, Варшилов -127-квартирада яшаган, пропластик заводда турк миллияга мансуб Танкут ва унинг ўринбосари бўлган Руслан исмли шахсларнинг қўл остида Ўзбекистондан борган 12-13 нафар йигитлар билан бирга ишлаган.

Россиядан ўз уйига яқингинада қайтган Латофат Юсуповага кўра, у Элдор билан Москва вилоятида ҳамшиша бирга бўлган. Э. Раҳмонов

Домодедова аэропортидан Москва-Тошкент йўналиши бўйича учаётган сомолетга ўтириб, то ҳавога кўтарилгунига қадар телефон орқали алоқада бўлган. 2015 йилнинг 1 декабр куни соат 22.45 да Домодедова аэропортидан 2 декабрь куни тонги соат 4.00 да Тошкент аэропортига келиб кўнган сомолетдан тушган Элдор Россия алоқа компаниясига тегишли бўлган телефон рақамидан Москвада ҳамроҳлик қилган таниши Латофат Юсуповага кўнғирок қилиб, “Эсон-омон етиб келдик. Энди регистрацияга бораёпмиз” дея хабарлашаркан, “Ҳали замон кўришамиз” дегунига қадар, ҳисобидаги маблағи тугаган мобил алоқаси узилиб қолган.

“Бироқ, Тошкент аэропортига келиб кўнган Элдоржон ўғлим мана, 12 кундирки Китобга қайтмади, — дейди исзиз йўқолган йигитнинг онаси .... опа .... , — Мен уни суриштириб Тошкентдаги аэропорт директорининг номига ариза ёздим. У ерда аризамни қабул қилишмади. Оғзаки жавобларига қараганда, улар 2 декабр куни тонги соат 4.00 даги рейс билан Москвадан учиб келган йўловчилар рўяхатида Раҳмонов Элдор Исроилович исмли йигитнинг исм-шарифи қайд этилмаганлигини таъкидлашмоқда. Шу сабаб Тошкент Аэропортида йўқолиб қолган ўғлимни топиб беришда ёрдам қилишларини сўраб Республика бош прокурорига, Республика Миллий Хавфсизлик Хизмати раиси номига шикоят ёзиб

(Давоми кейинги саҳифада)

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

топширдим. Ҳозирча ўғлимдан бирор бир дарак топилар, яхши хушхабарлар эшитарман деган умидда Худога ёлвориб ўтирибман.

— Гарчи мен самолёт Москва аэропортидан ҳавога кўтарилганига қадар Элдор билан телефон орқали алоқада бўлиб турган бўлсам-да, гарчи у 2 декабрь куни тонгги соат 4.00 ларда “Келдим, тезда кўришамиз” деб кўнғироқ қилган бўлса-да, ҳар эҳтимолга қарши Россияда ишлайдиган опамга кўнғироқ қилиб, “Домодедово” аэропортидан шу йилнинг 1 декабр куни соат 21.45 даги рейс билан Москва-Тошкент йўналиши бўйича учган йўловчилар рўйхатида Раҳмонов Элдор Исроиловичнинг номи қайд этилган ёки йўқлигини аниқлаб беришларини қаттиқ илтимос қилдим. Аниқ бўлишича, ўша кунги айтилган соатда ҳавога кўтарилган йўловчилар рўйхатида Элдорнинг номи бор, ёзилган экан. Унинг кўнғанига эса, ўзим гувоҳ. Телефонда гаплашганман. Бирок, негадир унинг номи Тошкент аэропортидаги йўловчилар рўйхатидан чиқмади. Ҳатто уни рўйхатдан ўтказмасданок орган ходимлари олиб кириб кетишганмикин деган шубҳадаман,

— дейди Яккабоғлик Латофат.

Мамлакат осойишталиги учун огоҳлик, эҳтиёткорлик ўта муҳим. Бироқ бу дегани ҳориждан ва ё Россиядан ишлаб қайтаётган ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқини исталганча паймол қилиш мумкин дегани эмас.

Шу ўринда Ўзбекистон Ички ишлар тизими ва Миллий Хавфсизлик Хизмати ходимларининг ғайриқонуний ҳаракатларига жиддий эътирозлар уйғониши табиий: модомики, ҳориждан – ҳижратдан қайтаётган шахс турли гумонлар остида оёқлари ерга теккизилмай қонун идораларига олиб кетилар экан, ертўлаларга ташланар экан, соғинч билан Россиядан қайтаётган “дангасалар”нинг тутқунликка тушганлиги хусусида энг аввало уларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари, яқинларига хабар берилиши шарт. Токи дилбандини тунлари мижжа қоқмай катта қилган ... опа каби оналарнинг рангини ғаму ташвиш, соғинч сарғайтирмаслиги, кулфат қадларини камон қилмаслиги, қаритмаслиги керак. Оналар фарзандларининг қаерда, қандай қўлларда, қай аҳвол ва қай шароитда эканлигини билишлари лозим, барчасидан хабардор

бўлишга ҳақли.

Ўзбекистондаги прокуратура, Миллий Хавфсизлик Хизмати, Ички ишлар деб аталмиш қонун идораларидаги қонун ижросини назорат қилувчи ходимларининг ўзи қачон қонунга амал қилишни урганишаркин?!

**Изоҳ: Ушбу мақола эълон қилиниш арафасида фуқаро кийимидаги Отабек исмли орган ходими томонидан ўз уйидан алдов йўли билан олиб чиқиб кетилган ва ўн кундан ортиқ изсиз йўқолган Яккабоғлик Элмирзаев Ахрорнинг дараги чикди.**

А. Элмирзаевнинг отаси Абдуқаҳор Элмирзаев (+99891 6338886) кўнғироқ қилиб, Ҳукуматнинг юқори идораларига тинимсиз шикоят ёзиш ортидан ўғли Ахрорнинг тақдирдан воқиф бўлганликларини маълум қилдилар.

Отанинг айтишларича, Элмирзаев Ахрорга нисбатан Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 241-моддаси, 2- қисми билан жиноят иши кўзғатилган бўлиб, у эҳтиёт чораси сифатида хибсда сақланмоқда ва босим ва калтаклар остида қолмоқда.

**Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА**  
мустақил журналист

## Йил охирида Россияга қатъий жавоблар

Туркия президенти Ражаб Тойиб Эрдуғаннинг қароргоҳида Миллий хавфсизлик кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Президент Ражаб Тойиб Эрдуған бошчилигидаги Миллий хавфсизлик кенгаши учрашуви якунланди. Йил охири Миллий хавфсизлик кенгаши учрашувида, минтақадаги ўзгаришлар ва терроризмга қарши кураш борасидаги амалиётлар муҳокама қилинди. Россияга қатъий жавоб берилган Миллий хавфсизлик кенгаши ҳисоботида, Москванинг муносабати номақбул эканлиги қайд этилган.

Миллий хавфсизлик кенгаши (МХК), президент Ражаб Тойиб Эрдуған бошчилигида президент қароргоҳида учрашди. Йил якуни Миллий хавфсизлик кенгаши, ҳукуматдан жой олган 64 маҳкама аъзолари билан илк маротаба амалга оширилди.

Миллий хавфсизлик кенгашида минтақадаги ўзгаришлар, айниқса, Россия билан юзага келган учоқ муаммоси, Россиянинг Сурия ва Шарқий Уртаер денгизига ўрнашиши, мумкин бўлган сценарийлар ва шу нуқтаи назардан қўйилиши керак

бўлган қадамлар, терроризмга қарши кураш доирасида амалга оширилган амалиётлар ва бу кураш кенг қамровли тарзда баробар амалга оширилиши маълум қилинди.

### Ироқнинг суверенитет ҳуқуқи

МХКнинг маълумот беришича, Ироқдаги сўнги ҳодисаларнинг минтақа хавфсизлиги мақсадида эканлиги билдирилиб, “Ироқнинг ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигига таҳдид қилган ИШИД ва бошқа террор ташкилотларга қарши Ироқ халқи билан бирга бўлишимиз тасдиқланди”, дейилди.

### Россиянинг муносабати қабул қилинмайди

Хавфсизлик кенгаши мурожаатида “Россиянинг Суриядаги режим билан бир қаторда минтақада юритаётган фаолияти билан бу фаолиятлар натижасидаги юзага келган қочоқлар масаласи, шу жумладан, барча инсонпарварлик масалалар ҳақида Кенгашга маълумот берилган. Россияни ўлкамизнинг қонуний муносабатига қарши кўрсатган муносабати номақбул дея баҳоланди, бу вазият қаршисида Туркиянинг

амалга оширган ва оширадиган чора-тадбирлари батафсил муҳокама қилинди.” дейилади.

МХКнинг изоҳ беришича, учрашувда Байирбужак ҳудуди аҳолиси, шу жумладан, Туркманларнинг вазияти муҳокамаси борасида, “Чегараларимиздан ташқарида бўлган оила аъзолари ва қариндошлар жамоалари билан ўртадаги муҳолифларнинг бошидан кечираётган муаммолар бефарқ қолдирилмаслиги билдирилди”, дейилди.1.jpg

МХК баёнотида шундай дейилади: “Дини, мазҳаби, ирқий тушунча ва ҳиссиётларини поймол қилган барча террор ташкилотлари ва уларга ёрдам берган тарафдорларига, Бугунги кунга қадар бўлгани каби бундан сўнг ҳам “Қонун устуворлиги тамойили” нуқтаи назаридан камситишсиз курашишда давом этилиши билдирилди”.

“Туркия ва Европа иттифоқи муносабатларидаги яқинда содир бўлган ижобий ўзгаришлар ва бизнинг аъзолик жараёнимизнинг янгидан жонланишидан мамнун эканлиги билдирилган”.

**УХХ хабарлар бўлими**

*(Давоми: Боши олдинги сонда)*

— Пулларни жойига қўй! — бақирди у оғзидан тупук сачратиб. — ҳали ўйин тугамади!

— фирромлик яхши эмас! — бош чайқади Соқолтой. — Ютқазгандан кейин тан беринглар, хунасалар!

Унинг бу гапи иккинчи сержант билан лейтенантнинг ғазабини тоширди, шекилли, бирин-кетин бақира кетишди.

— Нима?.. Кимни ҳақорат қилдинг? Қани яна бир қайтарчи?!

Вазият кескин тус олаётганини кўриб индамай ўтира олмасдим. Даст ўрнимдан туриб Соқолтойга қараб ўдағайлаётган сержантни елкасидан чангаллаб юқори кўтардим-да, бурчакка итқитиб юбордим. Шу пайт осмондан тушгандек яна икки-уч офицер хонага бостириб кирди ва Соқолтой иккимизни таппа ерга босиб чарм таёқлар билан роса дўппослашди. Кейин қўлларимизга кишан солишди.

— Буларни алоҳида-алоҳида карцерга ташла! — буюрди лейтенант — Майорга ўзим жавоб бераман!

— Хўп бўлади!..

— Ифлос экансан! — аламли шивирладим ортимда ҳеч нарса бўлмагандек кетиб бораётган лейтенантга. — ҳали шошмай тур, фирромлик қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман!

— Мени беҳуда айбляпсан! — деди у. — Уртага катта пул тикилган, бу пулларнинг бир қисми меники эмас. Шундай экан, ютган тақдирингда ҳам, барибир, пулни сенларга бериб қўядиган аҳмоқ йўқ.

— Лейтенант, сен бу ишинг билан жуда катта хатога йўл қўйдинг. Шунга биласанми?

— Нима, нима? Келиб-келиб сен, турмадан чиқиш-чиқмаслиги номаълум ипирик мени кўрқитмоқчи бўляпсанми?

— Катта кетма! Турмадан чиқмасам ҳам унча-мунча жойда сўзимни икки қилишмайди. Бу ерга келишдан аввал керакли одамларга шипшитиб қўйганман. Борди-ю, бирор ишқал юз берса, уч кундан ошиқ тирик юрмайсан, мен бунга кафолат бераман!

Бугагимдан кейин лейтенантнинг дами ичига тушиб кетди. Бунга унинг нафас олишидан билса бўларди.

— Майли, гапни калта қил! — йўлакни деярли бир айланиб ўтиб карцерга етганимизда лейтенант сержантларга тўхташни буюрди. — Мана шу ерда дам оласан энди, ланъати!

У эшикни очиб, овозининг борича кичикди:

— ҳов одамхўр! Меҳмонни қабул қилиб ол!

Эшик ташқаридан ёпилгач,



## Зулматдаги умр-25

карцернинг бир бурчидан бўйи мен каби баланд, йўғон билакли, сочлари қириб ташланган, кўп уришганидан бўлса керак, юзлари уйдим-чуқур, оғзи бир тарафга ҳийла қийшайган, бадбашара аристон қаршимда пайдо бўлди. У менга янада яқин келди-да, қаддини эгиб, икки қўлини орқага қилганча совуқ тиржайди.

— ҳа-а, — бақирди у оғзидан тупук сачратиб, — келдиларми? ҳозир, ҳозир сенинг қўлоғингни тишлаб узиб оламан! ҳа-а-а-а!

Ундан заррача кўрққаним йўқ. Фақат эгнидаги кийимларнинг ифлослиги, тупук оқаётган оғзининг беўхшовлиги кўнглимни айнитиб ўзимни нари олдим.

— Кўрқиб кетдингми-а, кўрқдингми? Ана шунақа-а!.. — бақирди давом этди аристон тобора менга яқин келиб. — Қўлоғинг мазалими? Мазалими деб сўраяпман!?. Нега индамайсан? Ё соқовмисан? Кар-соқовмисан?

Шундай деб бақираркан уни йўтал тутди. Ё ажаб! Бунақасини умрим бино бўлиб кўрмагандим! Аристон ҳар йўталганда оғзидан тупук ўрнига қон отилиб полга тушарди. Бир зумда унинг томоқларидан тортиб кийимининг ёқасигача қонга бўялди.

“Ахир бунинг ажали яқин экан-ку!” деган фикр ўтди хаёлимдан ва жонҳолатда уни суяб бетон супачалардан бирига ўтқаздим-да, четда ётган латтани қўлимга олиб хўллаш мақсадида кранга чопдим.

хўл латта билан яхшилаб юз-кўзини артганимдан сўнг аристон сал ўзига келиб, бошини орқага ташлади.

— Нима, касалмисан? — сўрадим

ундан. — Нега санчагга ётмайсан, хумпар? Бу туришда ўлиб қоласан-ку!

Саволимга жавобан аристон қўл силтади.

— Қўявер, — деди у ҳамон қур-қур йўталишда давом этиб, — бир бошга бир ўлим. Аллақачон пишганман. Энди... даволаниб қаерга ҳам борардим.

— Нега назоратчи сени одамхўр деб чақирди?

Аристон маънос кулди.

— Сабабини айтмайми?

— Айт!

— Бир куни ментнинг қўлоғини тишлаб узиб олганман.

— Йўғ-э! Нимага?

— Калтаклашлари жонимдан ўтганди.

— Ушандаям касалмидинг?

— Қаёқда?.. Соппа-соғ эдим. Шу сабаб бўлди-ю, карцердан чиқармай қўйишди. Олдинга билинмаганди. Кейинги икки ойда касал кучайиб кетди. Тушларимда қандайдир арвоҳлар оёғимдан тортадиган бўлиб қолишди. Касал кўзигандан кўзиса, кўзимга қора кийган махлуқсифат жонзотлар кўринадди. Мени ғажийман деб ташлана бошлади. Э, тағин нимасини айтмай... Уни яна йўтал тутди. Иккинчи марта латта хўллаб келиб қонларини артдим. Аммо бу сафар бу унга фойда бермади, қайтанга нафас олиши оғирлашиб, ўзини бетонга ташлаб юборди.

Югурганча бориб карцер эшигини тепа бошладим.

— ҳой, ким бор?.. Врач чақирларинг, врач! Одам ўляпти!

Эшик туйнуги шараклаб очилиб, назоратчининг қип-қизил юзи кўринди. Алдамаётганимга ишонч ҳосил қилди, шекилли, бироздан кейин эшикдан хомсемиздан келган бошқа бир назоратчи билан ичкарига киришди.

— Нима бўлди? Кимўлди? Қани?

Мен бурчакда хириллаётган аристонга ишора қилдим.

Хомсемиз назоратчи унга яқин бориб кўлидаги чарм таёқ билан аристонни туртиб кўрди.

— Эътибор қилма! — деди у эшик томон йўналиб. — Бор, нарироққа бориб ўтир! ҳозир санчаггадиларни чақираман. Олиб кетишади!

Кўз очиб юмгунча карцер ичи тўполон бўлиб кетса керак деб ўйлагандим. Афсуски ундай бўлмади. Фақатгина орадан бир соатдан кўпроқ вақт ўтгандан кейин келган врач аёл деярли жон таслим қилиб бўлган аристоннинг юрагини тинглаб кўрган бўлди. Шундан сўнг ўрnidан турди ва бош чайқаб ташқарида турган фельдшерларга аристонни олиб кетишни буюрди. Бу орада карцерга Женя билан қарта

*(Давоми кейинги саҳифада)*

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

ўйнаган лейтенант кириб келди-да, вазиятни текширган бўлиб назоратчини қошига чорлади.

— Буни стаканга ташла! — буюрди у мен томон ишора қилиб. — Карцер бунақалар учун меҳмонхонадай гап!

— Стаканга?.. — тутилиб сўради назоратчи ва лейтенантнинг вазоҳатини кўриб қўшиб қўйди. — Ҳа-я, сиз ўзингиз жавоб берасиз-ку! Қани, олдимга туш!

“Ана энди адоий тамом бўлдим! — ўйлардим ўзимча. — Стакан нима эканини биламан. Тагин касалим кўзғолон қилади. Башарти, анавининг касалидан юқтириб олган бўлсам, ҳаётдан умидимни узиб қўяверсам ҳам бўларкан”.

Шу кўйи гўё бу шўрлаган деворларни, панжаралардангина иборат узундан-узун йўлакни, бири супурги, иккинчиси челақ кўтариб у ёқдан-бу ёққа ўтаётган “баланда”даги аристонларни сўнги бор кўраётгандек, суқ билан боққанча назоратчининг ортидан эргашдим.

Мана, уч кундирки, стаканданман. Тобора тасаввурим торайиб, теваракдаги овозларни, ўзимни ўраб турган бетон деворни ҳам идрок эта олмайдиган бўлиб бораяпман. Очипқаним худди ҳаёлимдан кўтарилгандек туюлади. Оғзим қуруқшайди. Шу лаҳзаларда тупугимни ютиб чаңқоқ кундирган бўламан. ҳар йўтал тутганда ичимнинг аллақасери узилиб кетгандай бўлади. То навбатдаги йўтал келгунча ичакларим бураб-бураб оғрийди. Афтидан тахминларим тўғри, раҳмдиллигим туфайли касалга чалинганга ўхшайман. Лекин карцердаги аристон каби оғзимдан қон келмаяпти, шунисига ҳам шукр. Демак, менинг касалим унчалик қўрқинчли эмас, ҳарқалай эртанги кундан умид қилсам бўлади. Мени кўриб бошқалар бурун жийиришини, жирканиб терс ўгирилишларини хоҳламайман. Майли, нима бўлса бўлсин. Бироқ тоза, орасталикда ўлиш тарафдориман.

Тушга бориб вужудим ёна бошлади. Нафас олишим тезлашиб, қалтироқ тутди. Қизик, ичиб куйиб бораяпти-ю, аммо танамнинг устки қисмидаги туклар азбаройи совуқ ўтганидан тик турган...

Шу тобада чўзилиб ётишни шунчалик кўнглим тусадикки, асти қўяверасиз. Афсуски, бунинг сира иложи йўқ. “Стакан” да фақат чўнқайиб ўтириш мумкин, холос. Аламин келиб бошимни муз деворга босдим-у, кўзларимни юмдим. Бироқ бу ҳам фойда бермади. Борган сари ичим аланга олаяпти. ҳали замон қўл-оёғимни қимирлатишга

ҳам ҳолим қолмаса керак. Бора-бора ҳушимни йўқотаман. Ана ўшанда жоним ҳаловат топади. Совқотмайман, йўталмайман, куймайман, аламзадалиқ қалбимни тирнамайди. ҳеч кимни, ҳеч нарсани ўйламайман...

— Ана, ўзига келаяпти! Кўзини очаяпти!..

Кимларнингдир гўнғир-гўнғир товушлари қулоғимга кириб базур кўзимни очдим-да, атрофга алангладим. Йўқ, мен стаканда эмас, кичик бир хонада, каравотда ётардим. Тепамда оқ халатли, оғзини дока билан ёпиб олган кексароқ бир аёл, унинг ёнида ўзим билган майор турарди.

— Хўш, қалайсан, йигит? — сўради аёл пешонамдаги терларни сочикда арта-арта. — Хайрият, ўткирига йўлиқмабсан! Омадинг

## Зулматдаги умр-25

бор экан! Худо хоҳласа, тез орада тузалиб кетасан!

Гапиргим, нималарнидир сўрагим келарди. Аммо тилим сўзга айланмас, оғзимни очдим дегунча йўтал тутта бошларди.

— Уринмасдан жим ёт! — менга далда берган бўлди аёл. — ҳозирча иссиғинг тушмади. Сенга қимирлаш ҳам мумкин эмас. Жим бўл!..

— ҳали биз сен билан кўп ишлар қилишимиз керак, Мурод! — дея менга ачиниш билан боқди майор. — Сен ўлмаслигинг керак! Татьяна Геннадевна, бу аристонни нима қилиб бўлмасин тузатишингиз шарт! Тузатмасликка ҳаққингиз йўқ, билдингизми?!..

— Мен кўлимдан келган ҳамма ишни қияман! Мен...

Кейинги гап-сўзларни англай олмадим. Тагин йўтал тутди. Беш-олти марта жоним чиқиб кетгудек кучли йўталганимдан сўнг кўз олдим қоронғилашаётгани, хона чир айлана бошлаганини ҳис этдим ва қўрққангидан кўзларимни юмиб олдим... Йўқ, ҳали ўлишга эрта! Узимни қўлга олишим, чидашим лозим. Шу кунгача бундан баттар кунларни кўрган одамга касал нима бўпти? Чидайман. Нафас олиб турсам бас, бардош бераман! Шунда бош айланишим тўхтади. Аммо кўнглим айнаши босилмади. Уч-тўрт ўқчидим...

— Тагин ҳушидан кетаяпти! ҳушидан кетаяпти! — деган товушларни эшитдим.

Ажабланарлиси, ҳаммаси қулоғим остида жарангларди-ю, ҳеч нарсани идрок этмасдим.

врачлар мени деярли аввалги ҳолимга қайтаришди. Энди ҳадеганда йўталавермайдиган бўлдим. Кўнгли айнаши, ўқчишлар барҳам топиб оз-оздан овқат ейдиган бўлдим. Кунларнинг бирида палатага Анатолий кириб келди.

У мени айланиб бошдан-оёқ кузатгач, қўлтиғимдан олиб каравотга ўтқазди.

— Хайрият, ўлимга сўз бермабсан, Бургут! — деди у елкамга қоқиб.

ҳайрон бўлдим. Нега мени Бургут деб атади? Исмимни биларди-ку! Ё биров билан адаштираяптими?

— Тушунмадим, — тилга кирдим унинг кўзларига тик боқиб, — нега мени бундай атаяпсан? Ё исмимни унутиб қўйдингми?

Анатолий кулиб юборди.

— Сени унутиб бўларканми? — деди кулгидан ўзини тўхтата олмай. — Братвалар сенга аллақачон янги исм қўйиб бўлишган. Энди сен фақат қариндош-уруғларинг учун Муродсан, биз учун эса Бургут, ҳеч қачон мағрурлигини ташламайдиган Бургутсан! Бу ном сенга бошқа турмаларга тушиб қолганингдаям ҳам асқотади. Номинга бундан кейин ҳам муносиб бўлишга ҳаракат қил, бизларни уялтириб қўйма, тушундингми, йигит!

— Бургут! — янги номимни қайта-қайта такрорлаб жилмайдим. — Яхши исм экан! Раҳмат сенга, Толян, раҳмат!

— Майли, гапни чўзмайлик. ҳали замон кетадиган вақтим бўлиб қолади. Энди гап бундай!.. Тезроқ бу ердан чиқиб Соқолтой масаласини ҳал қилмасанг бўлмайди.

— Соқолтой? Унга нима бўлди?

— Сени фақат касалга чалинган десам томинг ҳам кетиб қолганми, дейман? Бирга ментлар билан қимор ўйнаганларинг ёдингдан чиқдимми?

— Ҳа-а!

ҳақиқатан бу воқеа умуман ҳаёлимдан чиқиб кетган экан. Эсладим-у, ичимга муз югургандек бўлди.

— Мен илтимос қилиб туриб олгани учун борганман, — дедим совуққонлик билан. — Ёлғиз Ёзи боришга қўрққанди.

— ҳаммасидан хабарим бор. Ёнида бўлганинг чатоқ бўлибди. Бир ўзи бориб ментларнинг қўлида ўлиб кетиши керак эди.

— Энди уни нима қилмоқчисизлар?.. — сўрадим ўғрибошидан.

— Тўхта! — дея кутилмаганда ўрнидан туриб кетди Анатолий. — Соқолтоини қўйиб турайлик, шундоғам адабини еб юрибди. Сенчи, тезроқ бу ердан чиқиб бошқа иш билан шуғулланасан.

23 декабрь

Роппа роса бир ой деганда

*(Давоми келгуси сонда)*

Халқимиз бежизга “Қинғир ишнинг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади” дейишмаган.

Ва яна гоҳ-гоҳида “Қинғир ишнинг қийғи илгарилари қирқ йилда чиқса, эндиғилик кунда қирқ кунга қолмасдан чиқмоқда” деган гаплар ҳам кулоққа чалиниб қолади. Шунақасини ҳам эшитганмисиз ахир?! Эшитгансиз-а?!

Бунингдек ибратомуз хикматни унутиб кўйган Жиззахлик қонун идоралари ходимлари Ўқтам Пардаевга сохта жиноят иши очиб, ҳуқуқбонни “юмолоқ-ястиқ” қилиб турмага тиқишмоқчи эди!

Ў. Пардаевни нимага асосланиб жиний жавобгарликка тортишмоқчи эди!

Ўзбекистон Республикаси  
Жиноят кодексининг 167-



## Ўқтам Пардаевнинг жиний иши уйдирма эканлиги исботини топди

168-моддалари билан жиноят иши кўзғатилган, товламачилик ва фирибгарликда айбланаётган Рухиё Байитованинг тергов жараёнларидаги асосиз кўрсатмалари, куруқ тухматлари асосида!

Шу кеча кундузда Жиззахлик қонун идораларининг Пардаевга қарши қаратилган кирдикорларини, тухмат тошларини инкор қилиб бўлмас далил – оламшумул ҳақиқат синдириб ташлади!

Қандай далил эди у қонун идораларини ҳам доғда қолдирадиган?! Қандайин ҳақиқат экан у прокурору милисаларнинг ҳам дилини доғлайдиган?!

“Одамлардан олган пулларимни Пардаевга элтиб берганман” дея Ўқтамга қарши тухмат тошини отган Рухиё Байитованинг кўрсатмаси эди У!

Хуқуқ фаолини бадном қилмоқчи бўлган Рухиё Байитованинг **ҲАҚИҚАТИ** эди БУ!

Байитованинг **ИҚРОРЛИГИ**, қоғозларга қоришган **ҲАҚИҚАТИ** нафақат Дўстлик туман Ички ишлар идоралари ходимларини, нафақат катта терговчи Ориф Анорбоевни, балки Рухиёнинг ўзи томонидан ёғдирилган тухмат тошларини ҳам синдирдигина эмас, чил-парчин қилиб ташлади!

**БИР АЁЛНИНГ БИР-БИРИГА МУТЛАҚО ЗИД БЎЛГАН ИККИ МАЗМУНДАГИ ИҚРОРЛИГИ!**

Мана у, ўзингиз ҳам гувоҳ бўлинг:

Қуйида дамда товламачилик ва

фирибгарликда айбланиб, жиноят иши кўзғатилган ва айна пайтда Дўстлик туман ИИБсида хибсада қолаётган ва Ўқтам Пардаевга қарши кўрсатма бераётган Рухиё Байитованинг ҳали устидан жиний очилмасидан олдинроқ Ў.Пардаев номига ёзган “ТИЛХАТ”и. Ўқувчиларга ноқулайлик туғдирмаслик учун униқиб қолган мазкур “ТИЛХАТ”ни, аввало, нуқта-вергулигача ўзгартирмасдан, асл ҳолича кўчирилган вариантини, сўнгра, скайнер вариантини ҳукмингизга ҳавола қиламиз:

**“Ўзбекистон – инсон ҳуқуқларини Мустақил ташкилоти Жиззах вилояти қўмита раиси У. Пардаевга Дўстлик тумани Истиқлол ҚФЙ Мустақил кўчасида Яшовчи Байитова Рухия томонидан**

### Тилхат

Мен 1979 йил Байитова Рухия Дўстлик туманида туғилганман. “?” (ёзув азборойи униқиб қолганидан, 5 рақамими, 6 ми ва ё 9 рақамими, тушуниш мушкул-муаллиф) фарзанднинг онасиман. Менга нисбатан ноҳаликлар бўлганлиги сабаби орган томонидан ҳақ ҳуқуқларим паймол бўлганлиги учун ҳуқуқ химоячиси У. Пардаевга қонуний ёрдам сўраб борган эдим менга Дўстли туман ИИБи да ишловчи ходим Ёдгор исимли кўк

жигули мошинасида 755(бу 5 рақами шошиб ёзилгандаги 9 рақамига ҳам ўхшаб кетади — муаллиф) 933 СА давлат рақамли машинада келиб уйимга У Пардаевнинг уйига бир наркотикани кўйинг сизга бир пачка Ақиш долирни берамиз. у пулга уйлар солиб олас деб айди. Мен уларга рад жавобини бердим. Мен ўзимнинг момоларимни (муаммоларимни демоқчи — муаллиф) рус тилига ўз хохишим билан пирилот (таржима демоқчи — муаллиф) қилаяпман. У. Пардаевга ҳеч қандай пул(пора) берганим йўқ. У. Пардаевга ҳеч қанда давоийм, адоватим йўқ. бу тилхатни ўз сўзим ва ўз қўлим тўғри ёздим. паспорт серию СТ1641489.

**Байитова Р. (имзо)”**

Байитованинг юқоридаги “Тилхати” мазмунидан ҳам кўриниб турибдики, ҳуқуқбон сифатидаги фаолияти, тўғри сўзлиги сабаб Ўқтам Пардаевни бадном қилишга бўлган уриниш ва уюштириш ҳаракатлари анчадан буён давом этиб келган.

Байитованинг “Тилхат”ига таянадиган бўлсак, мабодо, Рухиёхон “кўк жигули мошинаси” бўлган “Дўстлик туман ИИБи да ишловчи ходим Ёдгор исмли” шахснинг “Пардаевнг уйига бир наркотикани кўйинг сизга бир пачка Ақиш долирни берамиз. у пулга уйлар солиб олас” деган таклифига рози бўлганида эди, айна дамда, эҳтимол, ҳуқуқбон Ўқтам Пардаев

(Давоми кейинги саҳифада)

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

ЎзРесЖКнинг 167-168-моддасида назарда тутилган айблов билан эмас, балки ЎзРесЖКнинг 273-моддасининг 1- ва 2- қисми (Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб кўп бўлмаган миқдорда қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек уларни кўп бўлмаган миқдорда қонунга ҳилоф равишда ўтказиш) билан (Ҳамкасбимиз, журналист Солижон Абдурахмонов каби) жиний жавобгарликка тортилган бўлармиди, янаям ким билади дейсиз?

Кўриниб турибдики, Жиззахлик қонун идоралари ходимларининг Ўқтамни тузукқа тушириш, уюштириш йўлидаги илк уринишлари самара бермаган? Р. Байитова орган ходимларининг тақлифига кўнмаган.

Ҳоҳнаҳой, Байитованинг “қулоқсизлиги”дан ғазабланган қонун идоралари ходимлари рад жавоб олганларининг аламига Рухиёхонинг ўзини бир эмас иккита модда билан қопқонга туширишгандир? Ким билсин, очикда юрган даврларида тўхмат қилишга кўнмаган аёл, эҳтимол, хибсда “найрангига рози бўлгандир”, Пардаевга тўхмат тошларини отишга тайёр тургандир?

Рухиё Байитованинг Ўқтам Пардаевга ўз кўли билан ёзиб, имзолаб берган “Тилхат”ини ўқирканмиз, бизда ҳақли бир савол туғилиши табиий:

Жиззах вилоят қонун идоралари, Дўстлик туман прокуратураси, Дўстлик туман ИИБ ходимлари, хусусан, катта терговчи Ориф Анорбоев товламачилик ва фирибгарликда айбланаётган Рухиё Байитованинг оғзаки кўрсатмаларига ишонишга иштиёқманд, амал қилишга интиқ эдилар-ку? Исабот-далилсиз қуруқ гапи – кўрсатмасига асосан Ўқтамни зиндонбанд этган эдилар-ку?

Вожаб, нега энди Жиззахлик қонун идоралари Р.Байитованинг ўз кўли билан ёзган “Тилхат”ига ишонишга ошиқмайдилар? Рухиёхоннинг оғзаки кўрсатмасига инонган терговчи-ю прокурорлар нега энди унинг ёзма “тувоҳлиги”га таянган ҳолда “Пардаевни уйига бир наркотикани кўйинг сизга бир пачка Ақиш долирни берамиз. у пулга

уйлар солиб олас” дея Байитовани очикдан-очик жиноятга бошлаган “кўк жигули мошинаси” бўлган “Дўстли туман ИИБи да ишловчи ходим ёдгор исимли” орган одамани топишга, шахсни аниқлашга киришмайди? “Пардаевни уйига бир наркотикани кўйи”увчиларнинг, тўхмат уюштирувчиларнинг танобини тортиб кўймайди, ҳақиқий жиноятчини қамокқа олишга ошиқмайди?

Нега? Дўстлик туман прокуратураси, ИИБ идораси Р.Байитованинг Ў.Пардаев номига ёзган “Тилхат”идан беҳабарми? Йўқ. Хабардор бўлганда қандоқ!

2015 йилнинг 16 ноябрь куни Ўқтам Пардаевнинг уйида ўтказилган тинтув чоғида Рухиё Байитова томонидан ёзилган юқоридаги “ТИЛХАТ”нинг асл нусхаси Дўстлик туман прокуратураси ва дастлабки тергов орган ходимлари томонидан бошқа ҳужжатлар билан бирга олиб кетилган эди.

Мазкур “Тилхат” мазмунидан огоҳ бўлса-да Жиззахлик қонун идораларининг сукут сақлаганлари беихтиёр шубҳа уйғотади кишида.


Ва умуман олганда Рухиё Байитованинг Ўқтам Пардаевни оқлаш, ҳуқуқ фаолининг фойдасини кўзлаш руҳи билан суғорилган “Тилхат”и биттагина эмас, иккита.

Биргина аёлнинг бир ҳуқуқбон хусусидаги икки хил кўрсатмасининг ўзиёқ Дўстлик туман қонун идоралари ходимларининг “Ў.Пардаевнинг жиноят иши” деб номланувчи “ижод маҳсули” ўта заиф, бўш ва пуч, тўқималардан иборат, ҳақиқатдан йироқ “асар” эканлигини асослайди.

Шу боис ҳам бугун, 2015 йилнинг 15 декабрь куни Ўқтам Пардаевнинг қонуний ҳимоячиси, адвокат Дилмурод Аҳмедов Дўстлик туман ИИБ ТБ катта терговчиси Ориф Анорбоевга инкор қилиб бўлмайдиган “ИЛТИМОСНОМА” киритди.

**“Илтимоснома”да жумладан шундай дейилади:**

“Ҳозирги кунга қадар суриштирув ва дастлабки тергов органи томонидан бир неча ўнлаб, ҳаттоки, юзлаб фуқаролар сўроқ қилинган бўлиб, улар томонидан Ў.П.Пардаевга нисбатан бирор бир пора сўраганлиги, фирибгарлик қилганлиги ҳолатлари аниқланмаган бўлса-да, Фақатгина Рухия Байитованинг асосиз кўрғазмасига таяниб,



қандай бўлмасин, Ў.П.Пардаевни айбловларини кўпайтириш мақсадида ушлаб турилганлиги яққол намоён бўлиб қолди.

Юқорида баён этилганларга асосан, дастлабки тергов органининг бир ёқлама олиб борилмаслигини олдини олиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7- моддаси “Инсонпарварлик принципи”, 8-моддаси “Одиллик принципи”, 22-моддаси “Ҳақиқатни аниқлаш”, 23-моддаси “Айбсизлик презумпцияси” талабларига амал қилинган ҳолда ҳимоя остидаги Ўқтам Пўлатович Пардаевга нисбатан қўлланилган қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини бошқа, яъни тилхат, гаров ёки кафиллик орқали ўзгартириш ҳақида қарор чиқаришингизни илтимос қиламан” дея имзо чекилган.

**Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА**  
мустақил журналист, мустақил ҳуқуқ фаоли

Мен илгари ҳам ёзганимдай милиса тамонидан бизга нисбатан оилавий таъқиб ҳали-ҳануз мана ўн ойдирки давом этиб келмоқда. Аввалига ўғлимга ва менга нисбатан асосиз тарзда маъмурий иш очишиб, кейинчалик уни сохта гувоҳлар ва сохта айибловлар билан жинойий ишга айлантиришди. Бу ҳақда Олий судга келтирган шикоятимни ўрганиб чиқиб менга ва ўғлимга нисбатан ҳеч қандай маъмурий иш очилмаганини ёзма равишда маълум қилган. Қуйида шу жавобни илова қилаяпман:

Оёқда ёз давомида Бектемир тумани милисасига сохта терговга қатнаб куним ўтди. Охир-оқибатда Ш.Рустамов билан уларнинг ўзларининг ноқонуний ҳаракатларини ЖКнинг ўнлаб моддалари билан кўрсатиб уларга нисбатан жинойий иш очишларини сўраб Бош прокуратурага, МХХ раисига, Президентга ўнлаб мурожаатлар қилганман. Чора кўришмаган бўлишса ҳам шундай йўл билан уларнинг ҳаракатларини тўхтатиб қўйдик.

Улар кейинги этапдаги ҳужумларининг шаклини ўзгартириб энди ўн-ўн иккита милиса ходими, бутун маҳалла комитети аъзолари ва ён кўшниларимни оёққа турғазиб, видео камералар билан куруланиб, тасвирга олиб, бу билан бизни кўрқитиб, милиса ходимлари эшигимни тепиб, тошбўрон қилиб, “Сизлар она-бола жиноятчисизлар” деб ҳақорат қилиш билан яна уч марта такрорлашди. 102га қилган мурожаатларим натижасиз бўлди. Пагон таққан “бандит-безори” жанобларга ҳеч қандай қонуний чора қўлланмади. Шу ўринда МХХ раисига бундай безориликлар тўғрисида қилган мурожаатимни эслатиб ва ҳеч қандай чора қўлламаган МХХ раисидан ҳам ҳафсалам пир бўлганини айтиб ўтмоқчиман.

Уларнинг навбатдаги ҳужумлари олдингисидан мукамаллашиб ва маҳфийлашиб борди. Энди улар ошқора эмас балки “пинҳона” пагонлилар билан эмас, балки пагонсиз маҳфий – қароқчи одамлари билан ҳужумга ўтишди. Шундай қилиб сентябр ойида яна икки марта фуқаро кийимидаги иккита эркак соат 20:30 ларда келиб дарвозани тепиб, дағдаға билан эшикни очишимни талаб қилди. Келган зўравондан кимлигини сўрасам ўзини Шерзодман Бектемир милисасида терговчи

## Таъқиб давом этмоқда-1

бўлиб ишлайман деб таништирди. Терговга олиб кетмоқчилигини айтган эди, мен терговга расман чақирув қоғози орқали таклиф қилишини сўрадим. Шунда у мен билан қайсидир “каттакон” гаплашмоқчилигини, эртами-кечми, мен хоҳлайманми ёки йўқми ундан қаътий назар бу суҳбатдан қочиб қутила олмаслигимни айтиб ўзи билан кетишга мажбурлай бошлади. (Шу ўринда ҳайратимни яшира олмайман, наҳотки катталар фуқароларни кўрқитиб, зўрлаб, таъқиб ва тазиқларга олиб кейин суҳбатлашса. Бу қандай суҳбат услуби бўлди?) Талаби бажарилмаган Шерзод биз яшаётган ҳовлининг ичига сакраб тушиш мақсадида уч метр баландликдаги кўча деворимизнинг тепасига чиқиб ўтирди. Унинг бўйи 1м.90см. атрофида ёши тахминан 35-36 ларда бўлиб, ўзи бақувват одам экан. Шу тарика эшикни очмасам ҳовлига сакраб тушиб бизни терговга мажбурлаб олиб кетишини айтиб, ўғлимга юзланиб калтаклайдиган вазоҳатда жазавага туша бошлади. Шерзод бизга юзланиб дағдағага зўр берса, кўчада турган ҳамроҳиям кўрқитишни давом эттириб маскачиларни чақириш билан пўписани давом эттирарди. Тинимсиз кимларгадир кўнғироқлар қиларди. Аҳвол бундай тус олгач биз қўлимизга арматура олиб ўзимизни ўз уйимизда ҳимоя қилишга шайландик. Бундай мисилсиз зўравонликдан, руҳий босимдан, босқинчиликдан ўз шаънимиз ва ҳаққимиз ҳимоясида ўлимга ҳам тайёр эдик. 102га кўнғироқ қилиб аҳволни тушинтириб агар зудлик билан чора кўришмаса кимдир ўлишини айтдим. Улар наръядни ана юборамиз, мана юборамиз деб вақтни чўзиб ҳеч кимни юборишмади. Бу зўравонликга ҳам қонуний чора кўрилмади. Бу ҳолат менинг соғлигимга ўз таъсирини кўрсатди. Орадан икки соатча вақт ўтиб олган стрессим натижасида қонбосмим кўтарилиб тез тиббий ёрдам чақирдим.

03.12.15 кунни соат 18:30 ларда кўчадан келган ўғлимни уйга киргизиш мақсадида дарвозани очдим. Эшикни очишимга кўз илғамас даражадаги чакқонликда уйга фуқаро кийимидаги барзанги

эркак ёпирилиб, тўғрироғи ўғлимни бир чеккага улоқтириб бостириб кирди. Мен ҳали ҳеч нарсани тушинмай турганимда ўғлим бегона эркакни тутқилаб уйдан чиқаришга ҳаракат қила бошлади. Нима бўлганини англаб мен ҳам унга ёрдам бера бошладим. Лекин у одам шунчалар бақувват эдики, битта қўли ўртача одамнинг сонича келар эди. Ёши тахминан 32-34 атрофида. Қанчалар ҳаракат қилмайлик она бола босқинчини жойидан жилдирилмадик. Шунда ташқаридан сеҳирли қўл келдида олдимиздаги тоғдай жасадни шундай эпчиллик билан ташқарига чиқариб қўйди. Мен фурсатдан фойдаланиб эшикни қулфлаб олдим. Бу сеҳирли қўл кимники эканлигини дарвоза ортидан босқинчиларга “сизлар кимсизлар” деб савол бераётган одамнинг овозидан тутинган укам Олимжонники эканлигини тушиндим. Нима бўлаётганини билиш мақсадида дарвоза оша қараганимда 07 жигулида битта эмас тўртта фуқаро кийимидаги барзанги зўравон келганини кўрдим. Улар укамни ўртага олиб “ўзинг кимсан” деб елкаларига, кўксига қўллари билан нуқиб уриб ваҳшийларча бўқиришарди. Шу ҳолатнинг озгина сўзларини ёзишга улғирдим. Менинг дарвоза оша қўлимда нимадир ушлаб турганимни кўрган босқинчилар Олимжонни турткилай-турткилай бир чеккага чиқариб галма-галига биттаси олиб биттаси қўйиб тепкилаб ура кетишди. Ҳаш-паш дегунча укагинамни ўласи қилиб уриб ўликдай чўзилтириб қўйишди. Олимжонни йўлнинг чеккасига ётқизиб қўйиб машиналарини ҳайдаб келиб олиб кетишди. Мен ҳар галгидай 102га кўнғироқ қилдим. Улар ҳам ҳар галгидай ҳеч қандай қонуний чора қўллашмади. Воқеа содир этилганига беш кун бўлаётган бўлса ҳам менга келган балоларга кўксини қалқон қилиб мени ва ўғлимни зўравонлар зулмидан асраб қолган мард укагинам Олимжоннинг қаердалигини билмайман. Бектемир

*(Давоми келгуси сонда)*

**“ERKIN YURT”**  
интернет-газетаси  
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий  
нашри  
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt  
Мухаррир: Нурбек Саломов